

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЧИРОЙЛИ ТУРМУШ АСОСИ - МЕХНАТДОР



А. МАВЛОНОВ туширган сурат

Ватан-оиладан бошланади, деган сўз бежиз айтилмаган. Негаки, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, инсонийлик туйғуси энг аввало ана шу муқаддас ўчоқ-оиладан бошланади. Тошкент вилояти Окқўрғон тумани Ҳамид Олимжон жамоа ҳўжалигида Холикул Хонимов оиласини жуда яхши билишади. Бу хонадон аъзолари 1998 йилда жамоа ҳўжалигида ўтказилган «Энг ибратли оила» кўрик-танлови голиби бўлишди.

Оила бошлиқлари айна кунларда қариллик гаштини суришмоқда. Улар 3 ўғил, 3 қизни меҳр билан тарбиялаб вояга етказдилар. Меҳридарё қалб соҳиблари билан суҳбатлашарканми, инсоний бахт саодатининг мезони оила тинч-товулигида ва заҳматли меҳнат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

— Бу ҳаётда киши фақат ҳалол меҳнат қилсагина обрў-эътибор топади, халқ назарига тушади, — дейди биз билан суҳбатда Холикул ака Хонимов. — Мана уйнинг пойдеворидан то нақши-нигориғача ўз қўлим билан қуриб битказдим. Болалигимдан ўзимни меҳнатга урдим, кечаю кундуз касб-хўнар ўрганиш пайида бўлдим. Кейинчалик ўғил фарзандларим кўлтигимга киришди, яқин кўмакчимга айланади. Фарзандларимиз ахлоқ-одбли, меҳнатқаш бўлиб вояга етишларида уларнинг онаси — рафиқам Зебинисо Хонимованинг ҳам хизмати катта. Шўнингдек, мен қайнотамдан ҳам ниҳоятда миннатдорман. Оиламизда ўзаро ишонч-ҳўрмат барқарорлиги кўп жиҳатдан қайнонамнинг ўғитларига риоя қилишимиздан, деб ўйлайман.

Бахтиёр билан Баҳодир оталаридан ҳам устачиликни, ҳам машина солашни мукамал ўрганиб олишган.

Улар автомобиль йўллари техникумини битиришган. Бу хонадонда тadbиркорлик иши яхши йўлга қўйилган. Аввало ота-болалар эшик-ром устахонаси, сўнг эса автомашиналарни созлаш устахонасини очиб фаолият кўрсатишмоқда. Уч йилдан буён 3 гектар ерни ижарага олиб пудрат асосида иш олиб боришяпти. Ўғиллари Ўрозоли оилавий пудрат бошлиғи.

Халқимизда: «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», — деган аjoyиб нақл бор. Киши ким бўлишидан қатъий назар меҳнат қилса, ҳалол тер тўкса шу хонадондан фаровонлик, қут-баракка аримайди. Бунга Хонимовлар оиласи мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

ФАРИДА

1999 - АЁЛЛАР ЙИЛИ



**СИЗ-ЛА УЙ ФАЙЛИ,
КўНГИЛЛАР
ШўҚОМИР...**

Гулдек тароватли, оҳангдек майин, Кўнгил баҳра олар сўзлашган сайин, Шўнингизга бисёр шеърлар битайин, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Ҳар тиниқ сарчашма қалбингиз дедим, Салобатли тоғлар сабрингиз дедим, Бугун ва келажак сиз бу, сиз дедим, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Йўлингизга баҳор ёйса поёндоз, Меҳнатла ҳаётга бергайсиз пардоз, Тирикликка тиргак, ташвишга пешвоз, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Ўнлаб фарзанд учун бағри қалқонлар, Зигирча шодликка кўнгли осмонлар, Меҳнату меҳрга содиқ посбонлар, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Аёл номингизнинг қиёси йўқдир, Сиз-ла уй файли, кўнгиллар тўқдир, Сизсиз ширин висол, ҳўқрон ҳам йўқдир, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Эрқақлар шўқ бўлсин, бўлинг малика, Ҳар уйга муносиб суюкли бека, Бахт тилай не етсин, ахир жуфтликка, Дилбар келинчақлар, азиз аёллар.

Ўғиллой НОРМАМАТ қизи
Бойсун шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР - ВОҚЕАЛАР
ҚўРАЙДА

● Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлди. Унда мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилди.

Делегатлар Ислам Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар.

● Туркия пойтахти Анқара шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистонлик спортчилар эркин кураш бўйича икки медални кўлга киритдилар: Адҳам Очилов кумуш медал, Рамил Исломов эса бронза медали билан тақдирланди.

● Гулистонда мукофот жамғармаси

10 минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро «Фьючерс» теннис турнири якунланди. Унда 13 давлатдан ташриф буюрган катта ракетка усталари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фулмова бошқарган ушбу йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг жорий йилнинг тўққиз ойидаги фаолияти натижалари, шўнингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳўқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳўмом қилиш

тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида» ги қарори қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш котибиятининг мудирини Т. Норбоева кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилди. Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари раислари ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

● 1999 йилнинг 12 октябрида сайёрамизнинг олти миллиардинчи фуқароси дунёга келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистика департаментининг ҳисоб-китобларига мувофиқ айнан шу кунни Ер аҳолиси 6 миллиардга етди. БМТ ҳар бир мамлакатга ўша кунни дунёга келган болалардан бирини «Олти миллиардинчи» деб танлаш ҳўқуқини берди. Ўзбекистонда бу фаҳрий ҳўқуқни Одиловлар фарзанди-Тошкент шаҳридаги сакки-

ЧОРШАНБАДАН - ЧОРШАНБАГАЧА

зинчи туғруқхона мажмуида роппа-роса соат 8 да дунёга келган қизалоқ қўлга киритди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат тили ҳақида» ги Қонунни амалга ошириш комиссияси билан Олий Мажлис фан, таълим, маданият ва спорт кўмитасининг «Давлат тили ҳақида» ги Қонуннинг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Суд ҳўжатлари ва бошқа органлар ҳўжатларини ижро этишни такомиллаштириш масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йилнинг 20 октябриддан бошлаб Жалолиддин Манғубердиннинг 800 йиллик юбилейига бағишланган, қиймати 25 сўм бўлган эсдалик тангасини муомалага чиқаради.

ШУ КУННИНГ СЎЗИ

САЙЛОВ ҲАМЖИХАТЛИГИМИЗ СИНОВИ

Шу кунларда мамлакатимизда сайловларга тайёрлик ишлари қизгин аёв олдириб юборилди. Ушбу жараённинг асосий мезони-адолат. Шундай экан биз ҳам ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг маъносига айланган Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида маълум бир ҳолатларни қайд этиб ўтмоқчимиз. Бунинг учун ҳозирги сайлов жараёнини шўролар давридаги, коммунистлар партияси яққа ҳокимлиги давридаги сайлов билан ҳамда етуқ, ривожланган мамлакатлардаги сайлов жараёни билан қиёслаш, таққослаш кифоя. Ҳозирги сайлов кўп партиявийлик асосида, жамоатчилик ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг эркин иштироки асосида амалга ошаётганлиги қувончли ҳолдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасида "Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Сайлов ҳуқуқини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш таъқиқланади", - дея фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини қонун ҳимоясига олинган. Сайлов жараёни келажакни бунёд этади. Шу сабабдан сайловда иштирок этаётган фуқаролар ўзлари сайла-

ётган номзодни ўта талабчанлик билан танаб, беш йил ичидаги қисматлари, тақдирларини ишониб топширадлар. Бу жараёнга нисбатан лоқайдлик энг кечириб бўлмас хато бўлиб, келажакка нисбатан, Ватан тақдирига нисбатан хиёнат билан тенгдир. Айниқса юртимиз мустақилликка эришган бир даврда, олдимизда улкан масъулиятлар турганда бизни тўғри йўлдан адаштирувчи турли гуруҳлар, сайлов жараёнидан ўзининг шахсий манфаатинингга ўйлайдиган нокас кимсалар рўпарамиздан чиқиши, ҳалақит бериши, оёғимиздан чалишга интилишлари қутилаётган салбий ҳодисалардир. Шундай экан ушбу сайлов жараёнини камоли аҳил-иттифоқликда, ҳамжихатликда ўтказмоқ мақсадга мувофиқдир. Сир эмас, сайловчилар орасида ҳамон сайлов кунини билмайдиган, сайланаётган номзодларга нисбатан бепарво, шу бугун қорни тўйишигагина қаноатланаётган фуқаролар ҳам учрамоқда. Бу ҳолдан кўнгил ранжийди. Бу ҳолдан мустақиллигимиз душманлари фойдаланишга уринадилар.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳақидаги Қонунининг 28-моддасида: "... Номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адолат, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи

ҳатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак", - дейилган. Бундан келиб чиқадими, номзодларнинг сайлов олди дастурларини барчамиз зийраклик билан таҳлил қилмоғимиз ва бу жараёнга ўз муносабатимизни билдирмоғимиз даркор.

Хурматли Президентимиз Ислоҳ Каримов Олий Мажлиснинг XV сессиясида ҳар бир овоз берувчининг масъулияти ҳақида алоҳида тўхталиб бундай деган эдилар: "Ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъи назар Президент номзодигами ёки депутат номзодигами аввало ўз хоҳиш иродасига суюниб, ўз иймонига суюниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин".

Айни вақтда юртбошимиз ушбу сайловда иштирок этадиган барча партияларга омад тилаб, биздаги сайловларнинг жаҳондаги кўплаб сайловлардан асосий тафовитини таъкидлаб ўтдилар: "... сиёсий курашлар тарихидан маълумки, жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йўқит, жанжал-сурон орқасида "обрў" топишган бўлса, сизлар эса барака топкурлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топинг".

Шундай экан, ушбу сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суюнган ҳолда, жаҳон таърибаси ва демократия таъмоиллари устуворлигига эришни каби масъулиятли вазифани адо этмоғимиз керак. Бунинг учун энг аввало ўзаро ҳамжихатлик лозим. Сайловлар эса ана шу ҳамжихатлигимизнинг яна бир синовидир.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"ДА БОСИЛИБ ЧИҚКАЧ...

ЭНДИ БАХТЛИ АЁЛ ОБРАЗНИ ЯРАТАМАН

Тақдир тақозоси билан бошимга оғир қулфат тушди. Олти ойлик фарзандим Шерзоҳ касал бўлиб қолиб шифохонга тушиб қолдик. Ҳамширалар эътиборсизлиги туфайли ўғлим шифохондан ногирон бўлиб чиқди. Наҳот истаб югурмаган, бормаган ерим қолмади. Оллоҳ фарзанд берса етти муҳаси соғ, ақли, хушли қилиб берсин экан. Боламан соғлигини тикламан деб сеvimли касб-коримдан воз кечдим. Маҳаллақўйга, тўй-тўйчиққа аралашмай қўйдим. Ўғлимни аҳолига сиқилавериб вақтида овқатланиб, вақтида дам олмадим. Оқибатда кейинги икки қизалоғим ҳам нуқсон-

ли туғилди.

Емай-ичмай, унча-мунча пул жамлаб хўжайиним иккимиз уч хонали уй сотиб олгандик. "Дард устига чипкон", деганларидек уйимиз ҳали ҳам хусусийлаштириб берилмаган эди. Нима қилишимни, дардимни кимга айтишимни билмай болаларимни бағримга босиб, "Оила ва жамият" таҳририятига наҳот истаб келдим. Бу ерда дардимга қулоқ солишиб, уйимизни хусусийлаштириб олишимизга ёрдам беришди. Мухбир Нигора Йўлдошева уйимга бориб оилавий аҳолим билан танишди. Газетанинг 1999 йил 22-сонида "Энг қайғули шодлик" номли мақола босилиб чиқди. Ушбу мақола

чиққач, ҳаётимда анча ўзгаришлар юз берди. Ён-атрофдаги одамлар, маҳалла оқсоқоллари беминнат ёрдам беришди. Энг қувончлис шундаки, мен яқинда яна ўз ишимга, театрга қайтдим.

Бу йилни Президентимиз "Аёллар йили" деб эълон қилганлари бежиз кетмади. Чунки йилимиз шарофати билан мен каби ёрдамга муҳтож қанчалаб аёлларнинг орзулари улашишга, ҳаётлари изга тушиб кетишига кенг йўл очиб берилди. Энди мен ҳам саҳнада бемалол бахтли она образини ярата оламан.

Мухаббат СОВТОЛДИЕВА

ОТИНГ ЯХШИ, СИФОТИНГ ЯХШИ...

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 10 йил тўлди

Кўзи боғлиқ кимсанинг ёруғликка чиққанини кузатганимиз? Кўзлари оғриб кетса-да, ёшланса-да қуёшга интизор-интизор термулади. Гуллар, гиёҳлар тугул тошлар, кесаклардан ҳам жозиба-ранг топади.

Кўл, оёғи банди банданинг озодликка чиққанини кўрганмисиз? Чопади, секин юрса, кимдир ушлаб қоладигандай юғурди.

Она тилимизга давлат мақомининг берилиши миллатимиз учун орзулаб этилган ёруғлик қадар, йиғлаб топилган ҳурлик қадар улуг ҳодисадир.

Шунинг учун биз ҳар йили дарахтлар олтинланган пайтда бу ҳодисани байрам қиламиз.

Она тилимизда ота-боболаримиз руҳларининг суврати бор-гапириб-гапириб оҳанглари билан соғинчимизни босамиз. Руҳларининг қудрати бор-айтиб-айтиб товушлари жанрдан куч олапти. Ҳар қоракўзимиз тилга кирганда, бу суврат, бу қудрат янгиланади, яшаради.

Биз яна шу янгилашни, яшариш учун- она тилимиз томирига жон сувини сепаётганимиз учун байрам қиламиз.

Она тилимиз-минг, миллион йилларга бизнинг умид, истакларимизни олиб кетаётган элчилардир. Унда бизнинг ҳам юрагимиз орзиқишлари, муҳаббатимиз нафаслари бор. Бу байрам шиорлари уйлар пештоқда ярқираб турса ҳам, у биздан ташқарига эмас, ичимиздаги байрамдир.

Ҳар миллатнинг шундай саодатли кунлари бўлсин! Даврларда қисинмай, тили тутилмай булбулдай сайраш бахти на-сиб этсин! Узини ўша он Озодлик унинг бир бўлаги деб билинсин, чунки ҳар кимга ўз она тили Улуг Эрдир.

Одатда байрамларда жуда яхши гаплар айтади. Биз ҳам ҳамон кўксиде гурури мудраб ётган, аралаш-қуралаш гапиришни, ёзишни "маданият" деб тушулган аксарият юртдошларимизга шу бугун танбех бермоқчи эмасмиз. Тилимиз нуфузлюксак мақомига бироз беписанд қаровчиларни ҳам эсламоқчи эмасмиз.

Фақат байрамимизнинг мангу эканлигини айтиб қувончимизни овоза этмоқчимиз. Ўзбек тилимизнинг тахтга чиққани, тож кийгани ўнинчи бор ҳаммамизга муборак бўлсин! Тангри бизни шу қутловдан айирмасин!

Қадрдон кушларнинг куйин унутинг, Баҳмал майсаларнинг бўйин унутинг. Она тилингни унутманг фақат! Мен сенинг болангман, деб айтолмайди, Оғрисанг, қорангман, деб айтолмайди Тилини унутган бечора Узининг халқига бир умр. Не қилсин? Танимас уни ҳам ҳеч ким- Ҳеч кимнинг боласи бўлмай утар...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

АЁЛ-ОНА ВА БОЛАГА ЭЪТИБОР

Яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Фуломова ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазата этиш қотибиятининг мудирини Т. Норбоева иштирокида хорижий ва маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжумани оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг фаолиятини қучайтириш юзасидан 1999 йил Қавлат Дастурининг бажарилиши ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва маънавий манфаатларини таъминлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланди. Саккиз йилдан буён бозор муносабатларини ривожлантириш йўлидан бора-

ётган Мустақил Ўзбекистон фуқаролари, айниқса хотин-қизлар, оналар, болалар кучли ижтимоий муҳофазатга олинган. Хотин-қизлар республика ишлаб чиқаришининг барча жаҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Матбуот анжуманида хотин-қизлар, оналар борасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий меъёрлар, давлат қонуларини амалга ошириш юзасидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш, давлат дастури асосида хотин-қизлар давлатнинг қўлига, она-бола саломатлиги муҳофазаси, жисмоний тарбияси, таълим даражасини ошириш юзасидан амалга оширилётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз

АҲДОДЛАР РУҲИГА ТАЪЗИМ

Қуни кеча Шахрисабзда улуг бобоқалонимиз Амир Темур хотирасига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими Шуҳрат Алланазаров сўзга чиқиб, улуг соҳибқирон босиб ўтган йўл, уша даврдаги тарихий воқеалар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда ташриф бу- юрган меҳмонлар бобомиз пойини гулчамбарлар билан безашди. Ижодкор ва санъаткорлар ўзларининг шеър ва дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларга яхши кайфият бағишладди.

И. САТТОРОВ

“АЛПОМИШ”НИ УРГАНАМИЗ

АЛПОМИШ

(Боши ўтган сонларда)
Мазмуни

Алпомиш йўлда
Боради элнинг тўраси,
Гумбуллар тоғлар дараси.
Уруши кун бўлган вақтда,
Ингратар найза яраси.
Бораётиб хон қаради,
Кўринди бир тўп қораси...



Тўртинчи кун деганда
бек Алпомиш ул қораларга
етди ва кўриб билдики,
улар- Барчинойдан ариза-
хат келтирган чопарлар.
Улардан асти гина қилмай:
“Сизлар секин-секин кета
беринглар”, деб ўтиб кетди.

Шу кўйи: “Қаерда бир кеча оқшомласам”, деб ўйлаб бораётиб эди, бир ерда ёруғ кўринди. Алпомиш отнинг бошини бурди. Бу ер- мазорот экан. Алпомиш ўйлади: “Кеч қолган одам мазорда ётади, дегич эдилар. Шу ерда ётамми?”

Кейин у мазоротга қараб шундай савол қилди:

-Ёз бўлса, яйловми Аму ёқаси,
Мен бўламан Бойсин-Кўнгирот тўраси.
Ассалому алайкум, ахли кубурлар,
Бир кеча мазгил-жой сиздан сўрайман...

Хориди остимда тулпор-бедов от,
Ўз элиман мен ҳам юрган валламат...

Шунда мазоротдан бир киши чиқиб келиб: “Хайдай беринг отингизни. Сизга ҳам жой бор, отингизга ҳам”, деди. Алпомиш билмас эдики, бу ер чилтонларнинг манзилгоҳи, унинг пири - Шохимардон пир ҳам шулар суҳбатда эди, Алпомишни таниб, Бойбўри билан Бойсарни фарзанд кўрмаётганлари доғида куйиб, пирнинг равзасига бориб, қирқ кун фарзандталаб бўлиб ётганларидан кейин бир Оллоҳдан уларга бир ўғилу бир қиз тилаб бергани, шу асно Алпомиш билан Барчин пайдо бўлганини айтиб: “Бул бачча бизнинг мурдимиз бўлади. Вақтини хушлаб жўнатинглар”, деб ғойиб бўлган эди.

Чилтонлар Алпомишни роса сийлаб, меҳмон қилиб, кейин бу ишдан ҳам кўнгиллари ўтмай, Чилбир чўлидан-Ойнакўл ёқасида, бахмал ўтовида ухлаб ётган Барчиннинг руҳини танасидан олиб келиб, энди уйқуга кетган Алпомишнинг ҳам руҳини жасадидан олдиларда, ёнма-ён ўтказиб қўйдилар.

Рухлар бир-бирини кўриб, шоду хуррам бўлиб, ўртада пайдо бўлган бир-бир коса антахр шаробини кўлга олдилар. Ана шунда шодумон Барчиннинг олинголин қилиб турган жойи:

- Олинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Коса ушлаб қўлим толди,
Бийинг қизи маҳтал бўлди.
Кўнглингиз кимдан қолди,
Хон тўрам, сизга не бўлди?
Олинг, аллаёр-аллаёр...

Алпомишнинг руҳи жавоб беради:

- Арзим шулдир, бийинг қизи,
Ақлим олган қора кўзи,
Сенинг берган шаробингни
Ичмам, аллаёр-аллаёр.
Тархинали, нозик белинг
Кўчмам, аллаёр-аллаёр.

Мен ҳам Қалмоқ элга бориб,
Душманларнинг додин бериб,
Мард бўлиб, майдонда туриб,
Қилган ишим барча кўриб,
Дўсту душман қойил бўлиб,
Шул куни шаробинг олиб...

Шунгачайин, бийинг қизи,
Ичмам, аллаёр-аллаёр...

Шундай қилиб, Алпомиш эрталаб уйқудан турса,

ҳеч ким йўқ. Алпомиш кеча кўрган тушини эслаб, қилмаган иши учун кўнглини хушлаб, яна йўлга тушади.

Фалакнинг ўйинини қарангки, бу вақтда Барчиной ҳам ўз ўтовида канизақлар даврасида кеча кўрган тушини айтиб ўтирган бўлади: “Бий бобонинг ўғли тушима кирибди. Роса алёр айтишибмиз...” Қизлар тушни яхшиликка йўйишибди, йўлга қарай бошлайдилар.

Алпомиш, ниҳоят, Чилбир чўлига етдим деганда, кўй боқиб юрган бир чўпонни кўради. У қилтоб кал бўлиб, отини Кайкубод дерлар, Алпомиш уни танирди.

(Давоми бор)

Филология фанлари номзоди
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади

БАХТЛИ ЭРКАК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ, ЎЗИ?

Суҳбатдошимиз Абдуқаҳор Аллабердиев касб-корига кўра тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 52 ёшда. Саккиз нафар фарзанднинг отаси. Аёли уи ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланади.

- Абдуқаҳор ака, яшаш, умргузаронлик бир қарашда эски аравага ўхшайди. Чунки ундаги матоларнинг бари эскидан қолган, ундаги деярли ҳамма нарса такрорланади. Сиз ўзингиз бораётган ҳаёт аравасидан хурсандмисиз?

- Алхамдулиллоҳ, розиман, хурсандман. Биласизми, мен ҳар соғина, ҳар нафас учун яратганга шукр қилиб, шукроналар айтиб ўйлайман. Ношукрлик эса кўп ёмон нарса. Бир мўътабар бобомиз бор, шу киши ҳар гал таомдан сўнг, сабоқ бўладиган воқеаларни эслаб ёки эшитгандан кейин ўзларича, овоз чиқариб шукрона қиладилар: “Одам қилиб яратганингга шукр, кўрмоқ учун кўз, эшитмоқ учун қулоқ, яхши издиҳомларга бормоқ учун оёқ, ҳис қилмоқ учун қалб берганингга шукр”.

- Саволимдан ўзим ҳам андаккина ўнғайсизланаялман. Айтинг-чи, агар мумкин бўлса... янгамиз билан севишиб турмуш қурганмисизлар?

- Шу саволингизга жавоб бермасам дейман. Севги ҳар кимнинг шахсий, ўта шахсий ва ички бир иши, туйғуси. Севги-дастурхон эмаски, катта йўл бўйида очиб ўтириб,

тотинсангиз ёки баҳрамандлигингизни ўтган-кетганга намойиш қилиб ўтирсангиз...

- Узр.

- Дунёда нима кўп, гап кўп, гаштак кўп. Келинг, севишдан бошқа гаплардан ҳангомалашайлик.

- Маъқул, Абдуқаҳор ака, айтинг-чи, эркакнинг бахтли бўлмоғи учун нималар керак? Пулни, мансабни, кўшқаватли уйлари, уйлари тўлдириб турадиган хориж жиҳозлари-ми? Нима керак ўзи эркакка?

- Сизга шуни айтиб қўяйки, бахт деганингиз ҳам нисбий тушунча. Маълум тоифадаги эркаклар борки, улар Сиз тилга олган бисотлар билан ўзларини бахтли, комрон санайдилар. Демак, бахт тушунчаси бир томондан ўта шахсий тушунча ҳам экан-да, нима дедингиз. Туллар ва кунлари ноён, маъмул кечаётган аёлининг мамлакатлар, шаҳарлар оша тижорат қилиб, мўл-мўл топишларидан оғзи қулоғида ва бу билан ўзларини бахтли санаб юрган бебахт, манглайи қора эркаклар ҳам афсуски орамида бор. Ўзи уйда ўтириб, ёнбошлаб телевизор қараётган, китоб ўқиётган, борингки, уйга қоровуллик қилаётган ва айни пайтда тўрт мучаси соғ бундай эркаклар мусурмончиликда қораланади. Халқимизда бундай эркакларни беномус, беор ҳам дейишди.

- Биз эркакнинг чинакам бахти ҳақида гаплашмоқчи эдик...

- Саволингизни эйтибордан соқит қилганим йўқ. Бошқаларни билмадим, менимча уйда бахтли бўлган эркак ҳамма ерда ҳам бахтлидир. Бахтли эркак қандай бўлади ўзи? Мезони борми шу бахтингиз? Ишдан, олис сафардан, хориб, маъюз қайтган эркакни уйда аёли бамисоли катта бир мамлакатнинг хурматли қиролини, подшошини кутиб олгандек камоли эхтиром билан кутиб олса, ўша эркакка биз фақирдан ҳам бир бабар айтингки, у эркак чиндан-да бахтлидир, комрондир. Яна айтингки, ўша эркак то ўлгунча шу бахтни қадрласин, эъзоз қилсин. Айни пайтда эрта тонгда ишга ҳам худди шу тахлитда меҳрибонлик, иззат билан қузатилган эркак ҳам қайси шохдан, қайси султондан кам?! Афсуски, ҳаётда биз бунинг кўпинча аксини ҳам кўраемиз. Шундай аёллар бор: эри остонада бозор-ўчарлик билан “юк босиб” турса ҳамки, бирон иш юзасидан қақирса ҳамки, ҳа деганда пинагини бузмайди, ҳаттоки қайрилик ҳам қарамайди. Мабодо эри келиб қолганида уйда хотин-халажлар билан гўрунглашаётган бўлса, ўша

ҳолатни, кайфиятни бузмай, бамайлихотир ўтираверади...

Бундай эркак ҳар қанча баланд лавозимда ишласин, ҳар қанча пулдор, давлатли, савлатли бўлмасин, бахти эримдир, ҳаттоки нимтадир. Нима деса экан, кечирасизу, менимча эркакнинг тўла маънода бахтли бўлмоғи учун хотини содик, вафодор бўлмоғи керак. Ҳолбуки, бу у қадар осонмас, бундай бахтга мушарраф бўлганлар бизнинг тезкор ва қиёфасини тез-тез ўзгартариб турадиган замонамизда у қадар кўп эмас.

- Абдуқаҳор ака, дарсдан бўш пайтларингизда нималар билан шуғулланасиз?

- Айтишим керакки, бугун худди азалдан бўлиб келгани каби бизнинг бош вазирамиз фарзандлар тарбиясидир. Агар биз барча ишларни амалга ошириб, фақат тарбияни унутсак, унда ҳеч нарса қилмаган бўлаемиз. Тарбия кўрмаган боланинг бир кун келиб дала-даштада ўтлаб юрган ҳайвондан қандай фарқи қолади, айтинг-чи? Сиз қаердадир ўғрилик қилиб юрган, қотиллик қилган, поракўрликни касб қилиб олган одамни кўрсангиз, у ҳақда асло ёмон гапларни айтгунчи бўлманг. Бунинг фойдаси йўқ, чунки бу билан Сиз моҳиятан адашган бўласиз. Бўлар иш аввалдан бўлиб улгурган. Агар бирон гап айтар бўлсангиз, унинг ота-онасини, тарбиялаган кишисини топиб айтинг.

ОИЛА ДАВРАСИДАГИ СУХБАТЛАР

Айтмоқчи эдикми, кўлимдан келганича фарзандларимни яхшилик йўлида, илм йўлида тарбиялашга ҳаракат қилаялман. Мени мафтун қиладиган яна бир машгулот-китоб ўқишдир. Гапнинг тўғриси, чуқур ҳузур-ҳаловатни мен китоб ўқишдан топаман. Учинчи бир машгулотим -боғбонликдир. Кўнат экиш, бир кунини унинг гуллашини кўриш, томоша қилиш, мевасини татиб кўриш ўхшаши йўқ лаззатдир, қувончдир. Тўртинчи бир машгулотим эса-саёҳат. Агар оқмаса, бир ерда қўлмақлиби тураверса, ҳар қандай тоза сув ҳам бузилади, айнидй. Саёҳат яхши-ёмонни кўриш, фикр қилиш, кўп яхши одат.

- Аёлларимиздаги қайси хислатларни қадрлайсиз ва қандай феълларни ёмон кўрасиз?

- Эркакларга, хусусан, номаҳрам эркакларга кўларини қадаб, тик қараб гапирадиган, дуч келган эркак билан қаршиллатиб қўл ташлашиб кўришадиган хотин-қизни кўрсам, оромим бузилади, ўзимни қўйишга баъзан жой тополмай қоламан. Эркакларнинг ўзга гурун, маошхатларига беижозат сукулиб, гап ташлайдиган, ўзини кўрсатишга уринадиган, висол оқшомида ҳовли тўрида, иззат-икром орасида бўлса-да, тўйга келган меҳмон, мезбонлардан кўз узмай, ҳаё-иффатни унутган келинчаларни хушламайман. Яна бир нарса - ичадиган заифларга ҳам хурматим йўқ.

- Абдуқаҳор ака, ўзингизнинг қавмга, эркакларнинг зиммаларига қандай вазифалар, қандай маъсулиятни юклаган бўлардингиз?

- Қўлидан илм иши, ҳунар, касб келмаган эркак турган гапки, хотиннинг шўри бўлади. Менимча, хотиннинг наздида эркак бир умр салобатли, ҳайбатли бўлиб турмоғи керак. Акс ҳолда бир кун келиб “мана-ман” деган эркак ҳам кўғирчоққа айлиниб қолади.

- Мамлакатимиз Президентини бу йилни Аёллар йили деб атади. Бу қўнғу йилда ўртоқшошларимизга қандай тилақлар қилган бўлардингиз?

- Агар оилалар мустаҳкам экан, аёлларимиз содик, меҳрибон, эркакларимиз шижоатли, мард, рўзгорпарвар бўлар эканлар, иншооллоҳ мамлакатимиз эрб бўлмасдан қолмайди. Илоҳим, ватандошларимизнинг умри савобли, баракали ва бахтиёр кечсин!

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ суҳбатлашди

Сурхондарё вилояти

ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК

ЭЗГУЛИК ҲОСИЛАСИ

Эркак уйнинг устун, аёл эса чироғидир. Аёл ҳеч қачон ўзини эридан юқори тутишга ҳаракат қилмаслиги керак. Чунки аёл бамисоли бир мўъжиза. Аллоҳ уни ҳаё-ибо пардасига ўраб яратган. “Аёл бир қўли билан дунёни, бир қўли билан бешикни тебратди”, деб бежиз айтишмайди. Уй-ўрғунни доимо саранжом-сарийшта тутиш аёл учун оддий бир ҳолатдек туюлади. Аммо, бунинг замирида қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатлар ётадики, уларни уддалаш учун тоғдек бардош керак бўлади аёлга.

Мен маориф соҳасида 35 йилдан зиёд меҳнат қилган бўлсам, бирор кун рўзгор юмушлари ва таъшишларидан қўлим бўшаган эмас. Шунинг ичда беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли бўлди. Ҳозирда бир этак невараларимнинг суюкли бувижонисиман. Турмуш

ўртоғим-Маъруфжон Мамасобитов энг яқин суянчимки. Оиладаги ҳам бир ишни у киши билан ҳамкорлик ва ҳамжихатликда бажарамиз. Эрхотин аҳил-иноқ бўлсагина оилада кут-баракат бўлади. Фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялаганмиз. Дилфуза, Носиржон, Феруза-ўқитувчи, Василя ҳамшира, Фозилжон ҳисобчи. Улар қайси соҳа кишиси бўлишмасин ҳалол меҳнат қилишади. Фарзандларимиз орқасидан “раҳмат” деган сўзни эшитамиз. Шунинг ўзи ота-она учун олий бахт.

Ширин турмуш, меҳр-оқибатли бўлиш, бир мақсад йўлида баҳамжихат ишлаш эса яхшилик ва эзгуликнинг ҳосиласи бўлади, албатта! Бунга имоним қомил!

Тўхтаҳон РАҲИМОВА

Наманган тумани, 8-мактаб

Аввалига бу мактубнинг алоҳида варақдаги ўзимга қарата ёзилган қисмини ўқидим. Одатдагидек "Оила ва жамият"га билдирилган ташақкур, яхши тилаклар билан бошланганди у. Кейин яна шундай изҳори дил: "... Дилбар опа, мен сиз билан жуда ҳам, жуда ҳам учрашгим, маслаҳатлар олгим келади. Лекин ҳеч ҳам иложини қилолмаяман, шунинг учун Сиз, опақон нима дейсиз, шундай эҳсон эр билан яшаш мумкинми, чидаш керакми, ёки ажрашишим керакми. Қачонгача уришиб яшаймиз, ҳаёт ўтиб бормоқда, ақли бўлса кирмас. Баъзида жонимдан-да тўйиб кетаман, лекин, лекин 2 та фарзандим учун мен керакман деб ўйлайман ва шулар учун яшайман, тиришаман. Сиз нима дейсиз?"

Бировга, ҳаттоки у ўз жигаринг бўлса ҳам "ундай эмас, бундай яша", "бу йўлдан эмас, мана буниқидан юр", -деб маслаҳат бериш қийиндан-қийин иш. Ҳар бир оилавий турмушининг ўз тош-тарозуси, ошкор ё яширин ўз сир-асрорлари бор. Рўзгорни рўзгор қилиш ва ё рўзгорни тўзатиб юбориш фақат ва фақат ундаги икки кишига -эр-хотинга боғлиқ. Икки кишидан бошқа одамлар аралашуви ақсарият ҳолларда турмушни тузади ўзинга бузишни келтириб чиқаради. Менинг кўнглимдан даставвал шу фикрлар кечди ва мактубнинг асосий қисмини ўқишга тутиндим...

"20 ёшимда ўзим билан тенг, бирга ўқган, мени яхши кўрадиган йигитга турмушга чиқдим. Тўйимиздан аввал мен сизсираб жуда ўзини меҳрибон қилиб кўрсатарди. "Мен сенга ҳеч қачон қўл кўтармайман", деб мен сўрама-сам ҳам қасамлар ичар, ваъдалар берар эди.

Лекин тўйимиздан 5-6 кун ўтар-ўтмас ҳар хил можаролар бошланди. Эримнинг бу ҳар кунги келган меҳмондан, укаларидан, қўшилардан қизганини қилган жанжалини аввал-аввал яшириб юрдим, ичимга ютдим. Бирор-таси уйга кириб келса- эркак киши бўлса ҳам, аёл киши бўлса ҳам салом берасиз албатта. Аёл киши бўлса, нотаниш бўлса ҳам сўрашсам индамасди. Лекин эркак кишига агар хоҳ у таниш бўлсин, хоҳ нотаниш бўлсин "Ассалому алайкум" десам ўша соатдан бошлаб қовоқ-тумшук, жанжал бошланади. У сенинг киминг, қачон кўргансан, қачон гаплашгансан, қаерда танишгансан, вай-вой сўроқларнинг кети йўқ.

Тўйдан 1 ой ўтган меҳнат таътилидан сўнг ўз ишимга чиқдим. Эър можаролар ана ундан кейин бошланди. Автобусда бориб, автобусда келар эдим. Са-вол-жавоб, жанжалнинг каттаси аввало шундан бошланарди. Шофёри ким эди, олдинда ким кетди, ким билан сўрашдинг, кимни кўрддинг, қайтишингда автобуснинг шофёрига қанча пул бердинг, балким пул бермасдан кўзингни сузиб тушгандирсан, деган саволларга савол қўшилиб кўнглимнинг бир пар-часи совиб борар эди. Ҳар кунги асаб бузарликлар оқибатида эримдан совий бошладим. Лекин ҳол-аҳолимни ҳеч кимга - на онамга, на опа-сингилмага билдирмасдим, миқ этмай ишга бориб келаверар эдим.

Шу орада уриш-жанжаллар билан фарзандлик бўлди. Энди хархашалар босилар деб ўйлар эдим. Йўқ. Хато ўйлаган эканман, жанжалга ўрганган одам тўхтамас экан.

Фарзандимиз 2-3 ойлик бўлганда бир кун арзимас гаплар-ни баҳона қилиб юз кўзимга уриб ташлади. Кейин бола-ни кўтариб қизлик уйимга бордим. Уйда ҳеч кимга ҳеч нарса демай бир кун ётиб яна қайтдим. Келсам қайнонам билан қайнотамлар ўзаро уришган экан, индамай кутиб олишди.

Энди эримдан катта гапнинг каттаси-ни эшитдим: "Сени уйингдагилар бир кун ҳам олиб ўтирмайди. Мендай ку ё в топиша олмайди икки дунёда. У

МАКТУБЛАРИНГ ИЗЗАН БИРИ...

ларни ҳам уриб ташлайман", -деб бақирган эди, улар ҳам кўрпаларининг ичи-га кириб пиқ-пиқ йглаб, пойлаб ётишди.

"Энди аниқ мени ўлдирди", деб ҳамма нарсага тайёр эдим ўша пайт. Гагиради, уради, синарет чекаман деб гугурт қидириб нариги уйга ўтган эди, сочларим тўзиб, башарам қўқариб, ҳамма жойим оғирса ҳам жоним борича деразадан тушиб қочдим.Орқадан ишонасизми югуриб чиқди. Мен кўшни-мизнинг ҳовлисига бир бало қилиб кириб олдим-да, пойлаб ўтирдим.

Соат тунги 11 лар эди. Машинасини ҳайдаб мени қидиришга чиқди.

Оёқ янги бўлиб қўшнимизнинг уйда тонгни бир бало қилиб оттирдим. Болалар нима бўлди экан, деб секин дарвозамиз олдида бордим, машина турибди, дарвозамиз эшиги қулфланмабди, секин ҳовлига кирдим. Ташқари-даги супа-қаравотда эрим ётарди, битта кўрпача солиб кийим-боши билан шу совуқда. Мени келиб қолади деб кутиб ётган шекилли, қотиб ухлаб ётибди, туфлисини ҳам, теллагини ҳам ечмай, куртасига ўраниб ётибди. Секин дера-задан болаларнинг олдида кирдим, иккалеси ҳам жой-жойида ухлаб қолибди. Бир бало қилиб уйғотиб, усталарни қалин-қалин қилиб кийгизиб секин деразадан қочди.

Болаларни боғчага обориб ўзим ишга бордим. Кечкурун эса қизлик уйимга кириб, уйдагилар билан сўрашиб бўлган ҳам эдимки, эримнинг машинаси келиб қолди. Шу заҳоти бошқа хонага югуриб қочиб кириб кетдим, ишона-сизми умуман, бу дунёда эркак башарасини кўргим келмай қолди. Уйимдаги-лар гап нимадалигини дарҳол англаб олишди. Дадам: "Ассалому алайкум" деб ҳеч нарса бўлмагандай кириб келган куёвини "уйдан чиқиб кет", -деб ҳайдаб юборди. Эрим кўнча қичиб кетди. Бир пайт безбетларча яна уйга кириб кел-ди. "Дадажон, опақон, энди бу қилиқ тақрорланмайди, мана мени уринг-сўкинг, лекин мен хотинимни олиб кетаман", -деб ялинишга ўтди. "Илтмос, олиб кетай", -деб роса эланди.

Барибир ота-онамнинг яна кўнглилари юмшади. Улар "қизим, майли, яна бир сафар яшаб кўр, агар энди яна шунақа қилиб урса милици-яга берамиз", -дейишди.

"Йўқ, кетмайман, агар кетадиган бўлсам ҳозир дўхтирга бориб ётиб оламан, шу милицияга бораман. Агар милициялар мени экспертизасиз кўрса ҳам шулдоғам эримни қамаб қўяди". Турк-ини кўрмайман, кетсин", -дедим.

Эримга онам, "Қизим ти кетақол. Эртага олиб кетасан", -деди.

Эрта-ни си кунни энди байрам столи-ясатиб бўлган эдик, эрим, қайнотам, тоғаси, қайнонамларни бошлаб келибди.

Қайнонам: "Мен ажратмайман, болаларни бир кўз қилмайман, келинимни олиб кетаман", -деб йиғ-лаб туриб олди.

Эрим бўлса "Шу кунни нега урдинг, кеч келган бўлмаса. Ҳамма ўтирадиган байрам столи бўлса, икки соат ўтирса ўтирибди-да", -деган дадамнинг саволларига, - "Мен ўзимни билмай қолдим, мени кечиринглар, иккинчи бўлмайди", -деб роса ота -онасининг, дадам, опамлар, тоғаларининг олдида кечирим сўраб ёлгон ваъда-қасамларини ичди.

(Энди билмадим, нима учун, ароқ ичганига шунча ўзини билмай қолади ёки бошқа нарса ҳам чекадимикан, деб ҳар хил ўйга бораман. Ундай дейин-десам ҳеч қачон уйда ҳам, чўнтагида ҳам мен билмаган нарсалар, яъни наша-ми, қора дорими-эй унақа нарсаларни кўрмаганман, лекин унча эътибор ҳам бермайман-да)

Қисқаси яна ярашдик, яна ўша жанжал, ўша уриш-сўқишлар, ўша кечирим

сўрашлар ҳозирча давом этапти.

Ўзимча ўйлайман-да, қани энди умуман эркаклар йўқ бир юрт бўлсаю шу ерларга кетсанг, тинчгина яшаб мумкин бўлса, болаларинг билан бемалол ўйнаб-қулиб яласанг, дейман. Қиларга маслаҳатим иложи борича ўзингиз-дан қамда 4 ёш катта йигитларга турмушга чиқинг.

Ҳар хил масалада катта барибир катта, балким хотинни аям яшар.

Агар менинг турмушим яшш, биз синфдошим ёки тенгдошимиз, оилада унча-мунча иқир-чиқилар чиқади. Лекин у нарсалар кўнгли совушига йўл қўймайди, деганлар бўлса севимли газетамиз - "Оила ва жамият"га хат ёзинг, тенгдош оилалар мен сизлар билан қизиқман ва сизларнинг фикрларингизни қутаман.

ДУРДОНА

Мана, азиз газетхон, Дурдонанинг дил изҳорини ўқиб ҳам чиқдингиз. Кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар кечди, қандай хулоса чиқардингиз, Дурдо-нага айтадиган сўзингиз борми? Албатта бу борада ўз фикрингизни ёзиб юборасиз.

Лекин Дурдона менинг ҳам сўзимни кутаяпти. Мен умуман бировнинг оиласи масаласидаги фикримни оқорида айтдим. Ахир бировнинг жигаргўшасини - бир заифдан - онани ўсиб келаётган фарзандлари кўз ўнгида наҳот шунча-лар даражада ҳўрлаш мумкин? Йўқ, бу ҳолатга чидаб бўлмайди", - деб Дурдо-нага ажралишини маслаҳат берсам, бир кун келиб (йиллар ўтиб, оғрику алам-лар битиб кетгач) Дурдона: "Менга ажрал деб маслаҳат беришувди, бу гапга кириб бекор қилган эканман-а", демасмикан... "Ажралманг, чидаг. Эҳ-ҳе бу ҳаётда нималар бўлмайди. Турмушининг муштларига чидаган кишигина охи-р-оқибатда муродига етади,-дея маслаҳат берсам... Дурдона ҳаммасига чидаб-чидаб, охи-р-оқибатда сочлари оқариб, тишлари тўкилиб азиз умрининг энг яхши дамлари ўтиб кетгач ҳам бир ёруғлик кўрмаса, уриш-сўқишлар, мало-матлар ботқоқдан қиқолмаса... Шунда Дурдона: "Чида дейишувди, мана чи-дадим, лекин нимага эришдим, умрим ҳам ўтиб кетибди. Ўтган умримни, ёш-лигимни, соғлигимни энди менга ким қайтаради?", -дейиши ҳам мумкин...

Йўқ, бу борада ҳеч нарса деб бўлмайди. Лекин бу муттасил уришлар, сўқиш-лар, кадр-қимматнинг топталлиши...

Мен бирор мубдатга Дурдонани ўз фарзандим ўрнида қўйиб кўргим кел-ди... Не азубу уқубатлар чекиб, ўстириб вояга етказган қизимни кимдир шунақа муттасил урса, сўкса, кун бермаса. Мен бу ёқда қандай тинчгина яшаб юришим мумкин. Ва ёки мен отаси, акаси, опаси, синглиси бўлсам-у жиг-римин кимдир биров ҳўрласа, қадрини ер билан битта қилиб топтаса... Бунага чидаб бўладим... Йўқ...

Улуг бобомиз-соҳибқирон Амир Темур "Заифаларингизни кўрингиз!", -де-ган эканлар.

Президентимиз ҳаминча заҳматкаш ўзбек аёллари-оналар, опа-сингилла-римиз, қизларимиз ҳақида юксак бир эҳтиром билан гапирадилар. Бутун бир йил Аёлларга бағишланганлиги, махсус Аёллар йили Дастури асосида мам-лакатимиз микёсида аёллар-оналар соғлиги, меҳнати, ҳаётини муҳофиза этувчи, чексиз имкониятлар яратувчи қанчадан-қанча ишлар амалга оширилаётганли-ги фахрли ва ифтихорлидир. Лекин... "Дўст бўлсангиз ёнимда тур", деган бир қўшиқ бор. Биримиз падари бузруквор, биримиз волидаи мухтарам, бири-миз ака-ука, опа-сингил бўлсам-у, яқинида-ёқинидамузда ҳўрлик ва зўрлик исканжасида азоб чекаётган заифа жигаргўшаси кўзларидати ёшни артиб қўймасак, қадрини тиклаб олиштига қўмак бермасак, қалбига яшаб зўқини сийдирамасак, ҳаммамиз бир мушта айланиб бахтсизликлар манбаи бўлмиш муштмўзурнинг танобини тортиб қўймасак-не деган одам бўлди, азизлар!

Дилбар САИДОВА

ЧОРШАНБАДАН-ЧОРШАНБАГАЧА

ҳар жанжалида шу гапни қўшадиган бўлди. Уйга бирор эркак келиб қолса, ана сени уйнашинг қидириб келди, деб яна жанжални бошлайди. Телефон жиринглаб қолса мен олмайман, ўзи олади. Эрим йўғида кимдир кўнғирок қиладди, трубкани кўтарсам жим қолади. У қўядан телефон қилиб, яна индамай қўяр экан. Кел-ганида "Сенинг уйнашинг телефон қилди-ку бугун, нега гапирмадинг", деб менга яна савол-жавобини қилиб жанжал бошлайди.

Шу тахлит 2 фарзандли ҳам бўлди. Қўй, 2 та болали бўлди. Энди ақли кириб босилар деб ўйлаган эдим. Яна хато ўйлабман.

Энди эрим уриб ташласа, ичиб келса 2 та бола билан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаскансан. Қизлик уйимдагиларга умуман калтак еишимни айтмас эдим. Эрим ҳам тўй-матракаларда ҳеч нарса кўрмагандай бориб хизматини қилиб келаверар эди.

Бир кун катта акамнинг туғилган кунига борган эдик. Қўзим кўқариб тур-ган эди. Акам сезиб қолди. Шунда ҳаммасини ўша ерда айтдим. Айтаялман-айтаялман кўзларимдан "шув-шув" ёш қуйилиб кетаяпти. Ўзимни боса олма-дим. Роса, хўрликларим келиб-кетди. Эрим келмаган эди. Акам: "Бўлди яшамайсан", -деб ҳаҳл устида айтди. Эртасига эрим машинада бизни олиб кетишга келганида акам роса уришди. Яхши гап билан ҳам гапирди. "Сени яхши қувейм деганман, шундай бўлиб қолгин", -деди ва биз яна уйга қайтдик.

Иккинчи фарзандим 1,5 ёш бўлганида ишга чиқдим. Энди сал бўлса ҳам юрагим ёзилиб, ҳеч бўлмаса қундузи жанжалдан қутуламан деб ўйладим. Бо-лаларимни боғчага бердим. Уйга борсам дадамлар, опамлар, акамлар ҳамма-си эри урмадимикан, сўқмадимикан, деб кўзимга қараб турширарди. Лекин уришиб, калтагини еб келсамда уйдагиларга билинтирмас эдим.

Бир кун эрим ичиб келдида, оғзидан ёмон гаплар чўкиб сўкиб-уриб кетди. "Нима гап, тинчликми", -деб сўрасам, бир кун аввал тоғасининг ўглини ЗАГСга бўлган эди, шу ерда қайнаримиз билан ўйнаган эдик. Видеога олишган эди, ўша кассетани кўриб келган экан. Роса урди, ўзимам бошим-қўзим тиниб ўла-са ҳолига келтириб ташлади. Ишга бир ҳафта боролмадим. Ҳамма жойим оғриб жойимдан туролмай қолдим. Нега ишга келмади экан, деб опачам хабар олишга келиб қолди. Аҳолимни кўриб "бўлди, йиғиштирасан энди, яшамайсан", -деди. Мени олиб кетди, касалхонага ётдим. Ҳеч ким билмади менинг касалхонада эканимни, уйимдагилардан бошқа.

Касалхонадан тўғри қизлик уйимга бордим. Эрим ҳар кун келиб иккинчи ундай қилиб урмайман, болаларим бор, мени ёмон кўрса ҳам болалар учун яшасин, деб ялиниб-ёлвориб яна олиб кетди.

Икки кун, ишонасизми, икки кун яхши гапириб юрди, учинчи кун "Ха, сенга яхши гапирадиган одам борми! Талтайиб кетдинг", -деб яна эски ҳуна-рини бошлади.

Ҳаётим шундай ўти катта фарзандим 6 га, кичкинаси 4 га кирди. Ишончада бир кун янги йил байрамини ўтказиш учун соат 2 ларда ўтирдик. Эримдан кўрққанамдан соат 4 гача ўтириб уйин-қулгу бошланмай кетиб қолдим. Эрим иш-хонада ўтириши бор экан деб эшитиб қолиб соат 2 дан бошлаб 4 гача дарвоза ёнида қутибди. Ичиб олган экан, кўзлари қаҳру ғазабга тўла, шундай қиришим биланок бир шапалок туширди. "Уйга киргин, сен билан уйда гаплашмай", -деб судраб уйга олиб кириб, кетди. Худди қуч-қуввати ўзидай эркакни ургандай шундай уряптики... 2 фарзандим эсли-хушли бўлиб қолган эмасми, "Опақон йиғламанг", -деб оёғим тағида урлашса: "Бу болаларинг ҳам мендан эмас, бир-овданчид", -деса бўладими. "Е Оллоҳ", -дедим, -нега шунчалар, шундай қаҳрили одамнинг қўлига тушиб қолдим, менга бу қўргуликларим қайси гуноҳим учун"... Болаларим: "Дадажон, жон дада, урманг, аям ўлиб қолса нима қиламиз", -деса уларни ҳам ургудек бўлиб, "Кўрпангни ичига кириб ёт. Бўлмаса сен-

ФАҚАТ ҚАЛБ БИЛАН ЭМАС, АҚЛ БИЛАН ҲАМ ИШ КЎРИНГИ!

“Яратгандан бахт сўрайман”-36-сон

Хурматли Шабнам, тасодифни қарангки, тақдиримиз ўхшаш экан. Шабнам, ўқувчилик дамлари нақадар ширин, нақадар қизиқарли, айниқса бу серташвиш паллага яна муҳаббат қўшилса... Дунёда мен ва “у”дек бахтли инсон йўқ эди. Дарсларда доим бирга ўтирар эдик, дарсдан сўнг ҳам бирга уйга қайтар эдик. Мактабда қандай тадбир бўлса, доим иккимиз ташаббускор эдик. Бошқача айтганда ҳар томонлама кўза ярқ этиб ташланиб турар эдик. Мактабни тугатиб иккимиз ҳам олийгоҳга ўқишга кирдик. Фақат у бошқа, мен бошқа жойда ўқирдик. Тез-тез учрашиб турардик.

Нима бўлди билмадим, балки муҳаббатимизга кўз теккандир, уришиб қолдик. Уришганда ҳам жуда қаттиқ уришдик. Хуллас, салкам 3 йилча гаплашмадик. Лекин у кунлар қандай ўтгани ёлғиз менга Оллоҳга маълум. Уни билмадимку, мен жуда қийналдим. Ҳақиқий муҳаббат нима эканлигини мен ўшанда англадим. Мен уни жуда қизганардим. Уни бошқа бирор қиз билан кўришни ҳеч истамасдим... Афсус, у ҳам шундай эди. Лекин биз иккимиз ҳам жуда мағрур эдик. Мана шу мағрурлик бизни бир-биримизга йўлатмади. Мақтаниш эмасу, менинг ҳам ундан бошқа ошиқларим кўп эди. Чунки хуснда баркамол, ўзига етарли ақли бор, аълочи, фаол студентлардан бири эдим. Айниқса курсдошларим мени жуда яхши кўришарди. Лекин ҳеч бир йигитни унинг ўрнига қўйиб кўролмас эдим. У барибир бошқача эди. Бизнинг, яъни иккаламизнинг яқин бир дўстимиз бор эди. Мен ҳам, у ҳам барча сирларимизни унга айтар эдик ва шу билан бирга бир-биримиз ҳақимизда билиб олардик. Биз ана шу дўстимизнинг туғилган кунидан қайтаётганда уришиб қолган эдик ва яна 3 йилдан сўнг айна шу кун дўстимизнинг туғилган кунда ярашдик. Оҳ, ярашиш... Биз бу кунни қанчалар кутган эдик. Яна севги оғушида маст бўлишни қанчалар соғинган эдик. Лекин, афсус, унақа бўлмади. Билмадим, балки бизлар бу ўтган давлар, соғинчу алаамлар ичида анча улғайиб қолгандирмиз. Негадир биз бир-биримизга олдинги-

дай талпинмадик. Мен ўзимча балки биз бир-биримиздан совиғандирмиз, деб ўйладим. Ундай бўлса, нега мен бошқа бировга кўнгли бераолмадим? Нега у бошқа биров билан юриб кетмади? Хуллас. Яна 4-5 ой гаплашиб юридик ва яна арзимаган гап устида тортишиб иккимиз икки ёққа кетдик. Биз энди бир-биримизни ростмана йўқотган эдик. Биз ўзимизни жуда бахтсиз ҳисоблардик. Баъзида шундай чиройли севиғи оташи гувиллаб турган курсдошларимнинг дил изхори ёзилган шеърларига рад жавобини берганимга, тагли-тахтли жойлардан келиб, ҳоли-жонимга қўймаган совчиларни қайтарганимга минг-минг пушаймонлар ер эдим. Бир йигит менга, “Менинг севгим энг муқаддас. Агар уни рад этсанг, билгилки, бир умр қарғишга қолсан”, деган эди. Мен унинг ўша муқаддас туйғусини рад этган эдим. Ким билади, балки чиндан ҳам қарғишга қолиб ўз севилимга етиша олмагандирман. Хуллас, олийгоҳни ҳам тугатдик, ишларга ҳам жойлашдик. Мен илмий иш қилиш истагида белни маҳкам боғлаб, ҳеч нарсани ўйламай ишга киришдим. Худойимнинг менга атаган бахти бор экан. “Ундан” бутунлай кўнглим совиб, “мен учун у йўқ” деб юрган пайтларимда ўзим орзу қилган, яъни менинг турмуш ўртоғим мана шундай бўлиши керак”, деб юрган одамдан совчи келди. Ҳадеб пайсалга солавермай у киши билан учрашдим. Эҳ, мен аҳмоқнинг кўзим кўр бўлган экан. Дунёда шундай ақли, билгимдан, чиройли йигит ҳам бор экану биз билмай юрибмиз, “севгим менинг - андуҳим менинг”, - деб. Бир кўришадёқ бир-биримизни ёқтирдик. Тез-тез учрашиб турдик. 3 ой деганда тўйимиз ҳам бўлди. Лекин тўйгача биз бир-биримизни севиб, бир кун кўрмасак тура олмайдиган бўлиб қолган эдик.

Ҳозир эса ширингина ўғилчамиз бор. Иккимизнинг ҳам овуноғимиз. Эрим ҳам олий маълумотли, жуда замонавий, уйим, оилам дейдиган, меҳрибон ота, севимли ёр, ишхонасида ҳам обрўси баланд. Мени ҳам, ўғлимизни ҳам эркалаб чақирадилар, кўзларидан ҳам, сўзларидан ҳам фақат биз учун яшаётганликлари шундоққина билиниб туради. Илоҳим, худойим бер-

гани бахти рост бўлсин. Шу бахтимизни яхши ёмон кўздан ўзи асрасин.

Ширин ҳаёт оғушида эса мен “уни” унутдим. Тўғри, ҳар ҳолда синфдошим деб тўйимизга айтдим. Барча синфдошларим келишди, у эса келмади. Эшитишимча, ўзини у ерда ортиқча деб ҳисоблаганимиш. Менинг эса парвойимга ҳам келгани йўқ.

Шабнам, балки сиз менга “Сиз уни чин юракдан севагандирсиз?”-дерсиз. Балким. Қанийди шундай бўлса. Мен бу севгимни шундай тушундим:

Мактабда ўқиб юрганда, айниқса балоғат ёшида, ўзингча катталарга ҳавас қилсан. Уларга ўхшагинг келади, кўп бадиий китоблар, айниқса севиғи-муҳаббат ҳақида сўз борадиган асарлар ўқийсан, фақат шу ҳақда ўйлайсан. Балки шунинг учундир, ширин гапга тез учасан. Менинг севгим ҳам шундай бир ҳавас бўлган. Чунки мактабда энг зўрлардан бири эди, ҳамма уни яхши кўрарди. Энди ўйлаб кўринг-а шундай “идеал” сизга севиғи изхор қилса-ю...

Кейинчалик, яъни сал улғайиб, ақл кирганда бўлса “идеал”дан бошқаси кўза кўринмаган ёки бўлма-са, юқорида айтганимдек, мағрурлик яна пана бериб, фақат ўша, “биринчи муҳаббат”ни қайтишини кутиб яшагандирмиз.

Нима бўлганда ҳам, тақдир қўшилмаган экан, на илож. Ахир Яратган Эгам ҳаммани жуфт яратган, дейилган-ку.

Шабнам, ўзингиз хатингизда “узоқни ўйладимми...” деб ёзибсиз. Тўғри қилгансиз. Ахир сиз ҳам бахтли яшашга ҳақлисиз. Бахтни қачон бераркан демай, бахт учун курашиш ҳам керак. Ҳали ҳаммаси олдинда. “Тешик мунчоқ ерда ётмас, ерда ётса кимлар олмас”, - деган нақлни эшитганимизсиз?

Сизга бир маслаҳатим бор. Хоҳланг қабул қилинг, хоҳланг йўқ. Қиз бола учун энг яқин сирдош, энг яқин маслаҳатчи - бу она. Сиз ота-онангиз раъйига қаранг. Онангиздан маслаҳат олинг. Ўша йигит 2-3 жойдан рад жавобини олдим, демак бир гап бордир-да. Фақат қалб эмас, ақл билан ҳам иш кўриш керак.

Ҳа, ҳаёт ўзи бир жумбоқ экан. Жумбоқни еча-верар экансиз-у, лекин умрингиз ҳам ўтиб бораётганлигини билмай қолар экансиз.

Хурматли Шабнам! Сизга Оллоҳдан сабр-қаноат, бахт-саодат тилайман. Кўнглингиз гамга тўлмасин. Бахтингиз ўзи сизни излаб топади, фақат алданманг.

ГУЛИНАРГИС

ЎҒЛИНГИЗГА УМР ТИЛАНГ

“Уларга ортиқ даражада ишонманг”-9-сон

Синглим Т.Р.!

Сизни дил изхорингизни ўқиб жудаям таъсирландим. Енгилтак, оқибатда ҳомила ортириб олиб беҳисоб абортлар қилдираётган, туқдан боласини ахлат қўтиларига ташлаб кетаётган аёллар озмунчанми?

Сизнинг ишингиз чин фидойилик, ҳақиқий оналик эмасми, ўзлингиз билган, маърифатли, маънавиятли инсон экансиз. Сиз ҳеч ўзингизни қийнаманг, насиб бўлса, ўғлингиз катта йигит бўлиб, уйли-жойли бўлади, бир кунчоқ неваралар оғушида бахтли буви бўлиб ўтирасиз, ё насиб! Ҳозир эса, эрингизнинг ўзига қўйиб беринг, кимни севса, ўшани танласин, сиз ҳеч аралашманг. Худога шукр, ўғлингиз уй-

жойингиз, севган касбингиз бор. Иккинчи хотинга келсак, мен унга ачинаман. Бечоранинг эри бор деса-сам йўқ, йўқ деса-сам бор, на у еклик, на бу еклик, ўйламасдан оилали эркакка осилиб олиш ана шунанга бўлади. Мен ишонмангани, жамики иккинчи хотинларни том маънодаги оилавий бахт доимо четлаб ўтади. Сиз ундан маъна юқорисиз, Уллоҳдан ўзингизга, ўғлингизга умр тиланг, соғлиқ тиланг, ҳаммаси изга тушиб кетади, сабр қилинг.

Сизга соғлиқ, поклик, хотиржам турмуш тилаб қоламан.

Опангиз СОҲИБА
Яккабоғ кўрғони,
Жар қишлоғи

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

“ЧИРОЙЛИ БАХТНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИМ”-32-сон

Хурматли Зебо!

Мақолангизни ўқиб, жуда ҳам таъсирланиб кетдим.

Ҳали йигирмага тўлмасдан бошингиздан шунча ташвишлар ўтибди. Тўғри, ҳар бир кун “чиройли бахтни орзу қилди”, лекин кимлардир буни тушунмади. Ўзини манфаати йўлида бошқаларни қурбон қилади. Ҳа, афсуски ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб туради.

Менимча, бўлиб ўтган ишларда фақат-гина қайнонанинг ва Ахрор айбдор. Улар

билиб туриб, бахтингизга зомин бўлишган. “Бу дунё-қайтар дунё” деб бежиз айтишмаган. Мана Ахрорга ҳам вақти-соти билан қайтибди.

Зебо, илтимос сиқилманг, ўзингизни тутиб олинг. Ҳали ҳаммаси олдинда. Худо хоҳласа, улардан кўрмаганингизни фарзандларингиздан кўрасиз. Сизга келгусида бахт тилайман, фарзандларингиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Тошкент шаҳри.

ИРОДА

ОНАЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

“Қандай қилсам, ундан қутуламан”-33-сон

Менинг ёшим 42-да, 4 нафар фарзандим бор. Мен ҳам шу ёшимгача ҳаётни ачиқ-чучугини тотиб анча-мунча ишларни бошимдан кечирган аёлман. Бўш вақтимда шеърлар ёзиб тураман.

Х. исмли аёлнинг ачиқ қисматиға ачиндим. Ва шу билан биргаликда ўз айбини кеч бўлса ҳам тушуниб етганига яъни адашганлигини билиб ўзи тан олганига хурсанд бўлдим. Демак, у ҳали аёллигини унутмаган, уни касали оғир эмас, даволаса бўлади. Аёллар жуда раҳмдил, ўта ишонувчан бўлишади. Бундан фойдаланган Х.нинг жазманига ўхшадан эркаклар уларни ҳар хил йўллар билан алдаб, охири боши берк кўчага олиб келади, максдадиға эришади.

Келинлар аёллар, шу адашган аёлдан ўз ёрдამимизни аямайлик. Унга бу йилдан қиш учун мадад бўлайлик.

Сизларга бир мисол келтираман. Менинг бир опахоним бор, у ҳам ёши 40 га борганда оиласи бўла туриб бошқа бировни юракдан севиб қолди. Лекин у одам буни билмас эди. Опахоним эса севиш ва севилиш нималигини билиб туриб уни қаттиқ севди ва менга охири буни тан олиб ҳаммасини гапириб берди. Унинг исмини мен сир тутаман. Чунки бу аёл шу йўл ёқасига бориб қолган бир пайтда менга йўлиққанди. Мен унга

маслаҳат бериш билан бирга бир шеър ёзиб берганман. Опа эса бу шеъримдан таъсирланиб, йиғлаб туриб кечибки келган бу севгидан воз кеча олганди.

Х. Опамизга ҳам мен шу шеъримни ёзиб юбораман, зора ўша эркак ҳам унинг эҳтиргани аҳволини тушунса ва уни тинч қўйса.

Сени топдим жуда кеч, Хаёлимдан кетмайман ҳеч. Юрагимни эзмагин жоним, Ҳаётимни бузмагин жоним.

Оилам бор, болаларим бор, Не қилайки севиб қолганман. Неча йиллар муҳаббатсиз яшадим, Кучли севгига энди учрадим.

Эй Оллоҳ ўзинг кечиргил, Менга сабр қаноат бергил. Унутай ўшал келган севгимни, Ўзинг менга куч-қувват бергил.

Ҳаётимни болаларга бағишлай, Уларга бахту-саодат тилай. Ахир онаманку-она, Бу номни мен покиза сақлай. Ўшбу шеърим билан Х.опага озгина бўлса ёрдამдан тегса ўзимни бахтиёр сезар эдим.

Мақсудахон УРАИМОВА
Андижон шаҳри

СИЗГА БАХТ ҚУЛИБ БОҚАДИ...

“Қандай йўл тутай”-32-сон

Хурматли Лазизахон! Аввало мен сиздан катта ёки кичик, балки тенгдошингиздирман. Буни ҳозирча қизиги йўқ. Мен сизга ўз тенгдошимдек муомала қиламан. Сиз “Рус қизлари ўзбек қизларидан қай жиҳатдан афзал?”, -деб савол берибсиз.

Сиз асло кўнглингизни ўқитманг, чунки сиз жуда тўғри йўл тутгансиз. Бизнинг ўзбегимиз қизлари, аёллари ор-номуси кучли бўлгани учун жуда хурмат қилинади.

Лазизахон, сиз ишдан кетайми ёки қандай йўл тутай деб ёзибсиз? Энг асосий, энг аввало ўзингизни бирор нарсасга овутиринг. Масалан, энг яқин дугонангиз билан истироҳат боғларига айланишга чиқинг. Ўзингиз ёқтирган инсонлар билан кўпроқ муомалада бўлинг. Худди ҳеч нарса бўлмаганидек ўтган воқеани эсламасликка ҳаракат қилинг. Кўчалардаги ўзимизнинг ўзбек йигит-қизларига бир назар солинг.

Бир чиройли ўзбекона кийинчи хушқачқак юришади. Менга ҳам ўзбек қизларининг уятчанлиги, ҳар бир нарсадан тортиниб туриши, ўзбекона атлас қўйлақларни кийиб ял-ял ёниб юришлари жуда ёққанди.

Лазизахон, сизга маслаҳатим энди ҳечам қўйинманг ва кўз ёшингизни оқиманг. Чунки сизни ҳар бир кўзингизнинг ҳар бир томчиси олтиндан қиммат, буни эсда сақланг. Рус қизларига келсак, улар олдиндан урғаймоғи, авлоди шунақа очик-ойдин муомала қилади. Кўчаларда назар солсангиз калта юбкалар кийиб ўзига оро бериб йигитларни ўзига қаратишга интилади. Мен бу гапим билан миллатчилик қилмоқчи эмасман. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, сиз бахтиёрсиз, чунки ота-онангиз ҳаёт. Уларни ҳам чиройли орзу-ҳаваслари бордир. Сизни кўп куттирган ўша алпоқмат йигит ҳам ота-онангиз учун куёв эмас, балки ўғил бўлиб қолишини хоҳлашади. Худо хоҳласа, сизга бахт кулиб боқмоқда. Бахтли кунларингизда мени эслаб қўйсангиз бас.

Х. ҚОСИМОВА

Тошкент, Дўмбиробод,
Ўсмир кўчаси, 1-тор кўча, 20-уй, 11-хона

НАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



Дилбандимиз МАФТУНА РАВШАН қизи!

Сени 4 ёшга тўлишинг билан кутлаймиз.

Асал кизалоғим Мафтуна. Тўрт ёшинг муборак бўлсин. Меҳр сенинг ҳамроҳинг бўлсин, Тегранг доим гулларга тўлсин. Худобёрлар оиласи номидан суоқли бобоҳнинг ва ойиҳонинг.

Қарши шахри

Азиз укажонимиз, қадрли тоғажонимиз АКМАЛЖОН!

Сизни 22 октябр - таваллудингизнинг 31 йиллиги билан кутлаймиз. Туғилган кун севинчи сизни ва оилангизни тарк этмасин.

Опангиз Ибодат, поччангиз Ҳаким, жиянларингиз Нодир, Ботир, Жаҳонгир, Асолат.

Азиз МАЪСУДА ЁҚУБОВА!

Сизни 40 ёшингиз билан кутлаймиз! Оилангизга бахт, тинчлик ва соғлиқ тилаймиз.

Оила аъзоларингиз.

"Карачи Лега Гарментс" фирмаси (Покистон) чарм куртқа, плаш, дубленкаларни 15 фоизга арзонлаштирилган нархда мавсумий сотувини ташкил қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой бозоридаги усти гумбазли марказий савдо расаси ичкарасида

Тел: 132-10-03.

Дўмбирободда 3,75 сотиҳли - 4 хонали планлаштирилган уй сотилади.

Тел: 77-78-95. Соат 21.00-гача.

ИЛОН АВРАЙДИ

Илонлар ҳақида кўп воқеалар, ҳикоялар эшитганман. Ушдаги катта поччам раҳматли, бошидан ўтган бир воқеани гапириб берганди. У ўртоғи билан бир танишиникига ёз кунларининг бирида меҳмонга боришган экан. Кун бироз оғиб қолганда, роса меҳмон бўлиб қайтиб келишгаётган экан. Заҳар танг қилиб, шериги четга ўтибди. Поччам бироз юриб бир салқин жойда шеригини кўтибди. Ҳадеганда шериги келавермагач, хавотирланиб секин бориб қараса, не кўз билан кўрсинки, бир илон яқин келиб, уни кўзига тикилиб авраётган экан. Поччам яқин келса ҳам ўша илон қаршисидаги одамни кўзига тикилиб олиб авраб, бор эс-хушини олиб қўйган экан. Илон авраганда одамни қорнини шишириб юборар экан. Агар авраётган одамни исмини эшитиб қолса бир неча дақиқада қорнини шишириб ёриб ташлар экан. Ўша шериги поччам борганини ҳатто сезмабди. Поччам яхшиям шеригининг номини айтиб чақирмаган экан. Илон ҳам парво қилмай аврашдан қайтмабди. Шунда поччам ўша илонни этиги билан бир тегиб улоқтириб ташлабди. Шеригини кўлтиғидан ушлаб, кўтариб йўлга олиб чиққан экан. Шунда поччам кўрганни шеригига айтиб берибди. Дала йўлидан пиёда кетаётганда, чумчуқлар бир чеккада гурралашиб учиб-кўниб безовта бўлишиб чириллашаётган экан. Мундай қараса бир илон чумчуқларни авраб ўзига маҳлиё қилиб, яқинлашганини оғзи билан ушлаб ютаётган экан. Ушанда илон аврашлигини ўз кўзи билан кўриб, билиб қолган экан.

Бундай ҳодисалар жуда камдан-кам учрайди. Илонларга тегмаган маъқул. Биз томонлардаги илонлар одамларга зарар қилмайди.

Зокиржон ИБРОҲИМОВ
Анджон вилояти,
Хўжабод тумани,
Кўтарма қишлоғи.

ЎЗИМГА МОС ҚИЗ УЧРАСА...

Оилада 5 та фарзанд эдик. Тўртта қизу ва мен. Етимликда ўсдим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини озми-кўпми тотиб кўрдим. Ҳар турли одамларни кўрдим. Қасалланганинда, бошинга иш тушганида айримлар қочиб қолган экан. Хаттоки, баъзи қариндошлар, дўстлар ҳам. Қийин аҳволларда китоб ўқиб, асар қаҳрамонлари билан ўзимни солиштириб кўриб, вазиятдан қандай чиқиб кетишни ўйлаб қолман. Бу жихатдан китоблар менга катта ёрдам берди. Ёшим 39 да. Ҳалигача ўзимга мос қизни учратганим йўқ. Ҳаётда ҳалигача бўлажак ёрмин топангани йўқ. Нега бундай бўлди, деб сўрарсиз. Чунки шу давргача бўйдоқ юрганга биринчидан қалин пули тополмаганлигим, иккинчидан опаларининг оилавий ҳаётига қарашганим сабаб бўлди.

Асли тортинчоқман, бирорта қиз билан танишиб дил изохори қилишга тортинмаман. Оддий йигитман, меҳнатдан қочмайман, тўғри сўзман. Қўлимда яхши ҳунарим бор- қурувчиман. Қасбимни севаман. Гапнинг қисқаси қаердан ва қайси миллат вакили бўлишдан қатъий назар, менинг хатимни ва таклифимни маъқул топган қизлар бўлса менга хат ёзишсин. Танишайлик, синашайлик, зора...

Б.М.

Беруний шахри

"ОИЛА - 536"

Тошкентлик, олий маълумотли, шахсий ҳовлиси бор, 46 ёшли эркек 30-35 ёшли бефарзанд жувон ёки қиз билан оила қуришни истайди.

Тўйлар ва никоҳ кечалари учун аъло даражадаги чиройли таклифномалар тайёрлаб берамиз.

Тел: 126-22-81, 51-91-34 кечки вақт.

Юнусобод туманидаги "Билга" масъулияти чекланган жамоат ўз ҳужжатларининг йўқолганини билдириб, топган кишиларга 21-13-10 рақамларига телефон қилишларини сўрайди.

"БЕГОЙИМ - СЕРВИС"

Азиз аёлларни ўқишга таклиф қилади:

1. Массаж.
2. Уй ҳамшираси.
3. Торт, салатлар тайёрлаш.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Сартарошлик.
6. Инглиз тили.
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
8. Компьютер.

Манзилгоҳимиз: Ўрда бекати, Анҳор бўйи кўчаси. 6-уй.

Тел: 41-16-63

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ЎГИТНОМАСИ

Чиройли гапларни айтиш осондир Балким, ваъдадан ҳам қайтиш осондир. Оила устунин тикламоқ қийин, Кимгадир аразлаб, кетиш осондир.

Жанжалга узоқдан қараб туришар Гоҳида ким зўр деб сўраб туришар. Ҳаётда шунақа инсонлар борки, Фақат томошага яраб туришар.

Қачон қарамагин, ўқиниб юрар Кимлардандир нолиб, сўқиниб юрар. Нолигани сайин, улардан қочиб Гўёки, омад ҳам бекиниб юрар.

Сўзларим маржондай тизилиб турса Юракдан чиққани сезилиб турса. Не учун юрагим безовта бўлмас Қошимда бир инсон эзилиб турса.

Пардабой ҚУЛМАТОВ

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, "Сурхон" фермерлар уюшмаси

АГАР СИЗНИ ИШДАН ҚИСКАРТИРИШСА

В. Самандарова: Корхонамизда ходимлар сони қисқарадиган бўлиб қолди. Мени фарзандим бўлса ҳам ишдан бўшатишмоқчи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 103-моддасига кўра меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятини ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмини қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бе-

ҲУҚУҚҚАНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

бўйича малака оширган ходимларга, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини тамомлаган шахсларга ўқишини тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида:

- мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигини ортирган шахсларга;
- уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга.

З. МУҲАММАДЖОНОВ

ҚИЗЛАРНИ СЕВАРЛАР ИБОСИ УЧУН

МАСЛАХАТХОНА

Мақсадим қизларимиз ибодли, ҳаёли бўлишин. Йигитларимиз эса ақлли, мард бўлишсин...

Севги деб номардни суйманг қизларжон,
Сўнгра пушаймонга тўлманг қизларжон.
Ифбатли, бокира, оқила бўлинг, Тубсиз уммонларга чўкманг қизларжон.

Атиргулни севар хуш бўйи учун, Булбулни сайроқи шўх куйи учун. Қизларни севади агар билсангиз, Ибоси, хурмати, ҳаёси учун. Шу хислат сизларда доим бор бўлсин, Кўнглингиз қувончу шодлиқа тўлсин. Алдамасин сизни севаган ёрингиз, Оллоҳим сизларга бахт, иқбол берсин.

Бекобод

Раъно ХОЛМАТ қизи

Базида алданиб қолган қизларимизнинг оқ-воҳига дуч келамиз. Бир номардани ёлгон ваъдаларига учиб ўз ифатини, хурматию-ғурурини оёқ ости қилган опа-сингилларимизга гоҳ раҳмим келса, гоҳида улардан нафратланаман. Қани бизни момоларимизда бўлган шарми-ҳаё, ифбат ва ибос, сабр-тоқат? Биз мусулмон қизларидега шу хислатлар муҳассам бўлиши керак эмасми? Бир эслаб кўринг: Сиз севиб ўқийдиган машҳур асар "Ўтган кунлар"да ҳам Кумушбиди бир кўришда Отабекни севиб қолган, лекин токи никоҳ оқшомига қадар Отабекка бўлган буюқ севгисини сир сақлаган. Нега энди ҳозирги кунда қизларимиз ошқора айтиш тугул никоҳ оқшомигача ўз ифбатларини, хурматларини сақлай олмайдилар.

Ҳозирги кунда қизларимиз йигитларга ўзлари гап отишади. Ўзлари кўнги-роқ қилиб соатлаб гаплашишади. Оқибатда йигитлар олдида хурматларини йўқотишади. Бахтсиз бўлиб қолишади.

Айни кунда қизларни алдаб ному-сини оёқ ости қилган йигитларни номард деб ҳақоратлаямиз, қоралаймиз. Чиндан ҳам бундайлар номардининг номарди. Бир ожизани ҳаётини остин-устун қилиб, бахтсиз қилиб ўзлари эса бахтли яшагача ҳақиқий инсонлардир. Бундайларга жазао қўлламоқ керак. Лекин алданиб қолган, қилар ишни қилиб кейин пушаймон бўлиб юрган қизларимизни ҳам пешонасини ўпиб, бошини силаб оппоқ қилишимиз тўғри эмас. Аксарият вақт-

да улар ўз ихтиёри билан шу йўлга киришмоқда. Уларга ҳам керакли дашноқ билан маслаҳатлар бермоғимиз даркор, токи қизларимиз ўз ифатини сақлай билсинлар. Шундагина қизларимиз бахтли, келинларимиз хурматли, фарзандларимиз ота-онали бўлишади. Мени нафратлантираётган яна бир нарсаси шуки, ҳозирги кунда буюқ севаги туйғусини оддий ёқтириб қолиш ҳис туйғуси билан аралаштириб юборишяпти. Севги бу ҳаммага ҳам берилавермайди. Бу буюқ ва олий бир неъмат. Ёқтириб яхши кўриш билан севаги орасида ер билан осмонча фарқ бор. Севган киши ҳеч қачон қайта сева олмайди ёки ташлаб ҳам кета олмайди. Бу борада фикримни баён этсам охири йўқ. Менинг ягона

Ёши анчага борган, ammo ҳали турмуш қурмаган қизларнинг дил изхорларини ўқирканман тасодифан учрашганим, эндигина уйланаётган ёши 35 да бўлган бир йигитнинг ҳижоиси ёдимга келаверади. Уни қозоғга тушириб қўйган эдим.

Менинг ўзим ҳам "қари бўйдоқлик"ни бошимдан ўтказганман. Оллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, ҳозир оилали бўлиб тинч, аҳл яшаётиман. Агарда уйланмаган укаларим, жианларим менга мурожаат қилишганида газетга дил изхори қилган қизларга уйланишларини маслаҳат бериб, келин қилган бўлардим. Ёши анчага борган бўлса-да, турмуш қурмаганлари "қари қиз", "қари бўйдоқ" дейишди. Баъзилар уларнинг устидан куладилар, ҳар хил гап-сўзлар таркатадилар. "Қари" йигит-қизларнинг баъзилари, атрофдагиларнинг айтишича касал, энгилтак ёки ёмон хулқи бўлса бордир, лекин кўпчилиги соппа-соғ, ақл-хушли, илмли ёки касб-хунарли йигит-қизлардир. Ушбу охириги тоифадагилар ўз бахтлари учун қаттиқ курашадилар. Ҳатто, кўнглига якин инсон учрамайдиган бўлса, бир умр ёлғиз яшаган ҳам розидилар. Уларни оилали, бола-чақали бўлиш қизиқтирмайди, деб ўйлайсизми? Улар ҳамма қатори уй-рўзгорли бўлиб яшашни хохламайдиларми? Албатта хохлайдилар.

30-40 ёшда ҳам турмуш қурмаган қиз ва йигитни севиб, оила қуриш ҳақидаги ширин ораву-умидлар ҳали тарқ этмаган бўлади. Бу қилиқлари атрофдагиларга галати, қулгили бўлиб туюлиши мумкин. Мен бу гапларни беҳиж айтмайман. Чунки "табиб-табиб эмас, бошидан кечирган табиб"дир. Шу йил эрта баҳор кунларининг бирида Хоразмга боришга тўғри келди. "Тошкент-Ургенч" поездига чиқдим. Купега кириб ўз ўрнимга жойлашиб қаттиқ ухлаб қолибман. Кўзимни очганимда купе ичи зим-зиё қоронги эди. Вагон деразасидан ташқи дунёга қарадим. Ташқари ҳам зулмат қоплагандек. Вагон томидаги дугур-дугурдан ёмғир ёғаётганини билдим. Секин-секин кўзим қоронгига ўрганди. Тенадаги икки ўрин ҳам банд, эгалари ухлашар, паства-менинг қаршимда эса ўрта ёшлардаги бир йигит ўтирарди. Соатни сўрадим. Тунги 12 экан. Чиқиб ювиниб келганимда ҳалиги йигит купе чирогини ёқиб столни ҳар хил егулик-ичгулик, ноз-неъматлар билан тўдирбиди. Мени бирга овқатланишга таклиф этди. Миннатдорчилик билдириб рози бўлдим. Гапдан-гап уланиб кетди. Мазнавий бой, фикрлаш доираси кенг йигит экан. Яқинда уйланаётган, ота-онасини совчилликка юбориш учун олиб келгани кетаётган экан. Фикрларимиз, гапларимиз бир-бирига мос келди...

Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

"... Мен ҳам бир пайтлар ёш йигитча эдим. Кунларим севиш, севилиш дақиқаларини кутиб билан ўтарди. Қалбимда галати бир туйғу мавжуд эди. Бу туйғу мактабда ўқиб юрган пайтларимда пайдо бўлди. Баҳор пайтида Вали Гофуровнинг "Вафодор" номли итга билан нини бир неча бор ўқиб

ўтқизиб қўйилган қизга бирга ўйинга тушишини таклиф қилиш, олма арчиб бериб ёлғондан ўз-ўзини макташдан бошқа нияни ҳам қилиш мумкин. Институтга кириш учун тинмай ўқиганини, талабалик йиллари пул тугаб қолгач, вагондан қартошка туширганини бу қизларга айтсанг, улар зеркиб қоладиганга ўхшарди. Кўп қизлар кўз олдингда бошқа йигит билан ўйинга тушишдан ҳам қайтишмасди. Бу ҳолни орияти бор йигитлар ҳеч ҳам кечирмайди, балки қаттиқ нафратланади. Отанамнинг мендан бошқа яна тўртта фарзанди борлигини, ақлимни танганимдан бери бирор марта кўнгилдагидек янги кийим киймаганимизни, уйда ҳафтабав гўшт татиб қўрмаган пайтлар бўлганини буларга тушутириш мумкин эмасдек туюларди менга. Лекин мен аинан ана шулар ҳақида гаплашаётгани хоҳлардим. Ҳар хил бақчана қилиқлар, "севгилим"нинг бошқа йигит билан бемалол қаққаклашиб ўтиришини кўриш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда тасаввур қилиш, ҳис қилиш мен учун қаттиқ азобнинг ўзи эди. Алданишни ҳам, алданиш ҳам сира-сира истамасдим. Хуллас, қайси бир қиз билан танишмай, нимадир сабаб бўлиб муваффақиятсиз

ГАЙБДАН КЕЛГАН ТЎСИҚ

қандайдир тўсиқ бордек эди. Ёшим ҳам ўтизга етди. Кўпчилик йигитлар бу ёшда иши юришмаса, ўзини ичкиликка уради. Мен эса аксинча ичкиликни ташладим. Бу қароримдан бир неча вақт ўтгач танишларим, ўртоқларимнинг баъзиларидан ахраганимни сездим. Бунга эътибор қилишдим. Нега энди бироварни деб виджоним қабул қилмаган ишни қилишим керак. Қап-қатта, эсли-хушли одам бўлсам. Лекин уйланишим кераклигини унутмасдим. "Тўғри келган қизга ўйланиб олаверасмикин?" деб ўйлардим баъзан. Лекин. Бундай бўлмади. Бирорта қиз билан дўстлашиб қолсам, қўзга кўринмас тўсиқча қориб, сўнг албатта орқага қайтишга мажбур бўлардим. Бу қўзга кўринмас тўсиқ ҳақида ҳам кўп ўйлайдиган бўлдим. Ҳижрон бўлиб ҳижрон эмас, висол бўлиб висол эмас ҳолатни бошимдан кечирардим. Қалбимда ўзим кашф қилган қизга ҳеч қандай қуч қаршилик қилолмаслигини қандайдир ички туйғу билан сезардим.

Агарда ўша вақтда бева ёки болалари бор-йўқлигидан, касал-ногиронлигидан қатъий назар ўша аёл қалбимдаги ўша қизга мос келса, ҳеч ўйланмасдан уйланиб олган бўлардим. Ҳа, мен бунга қодир эдим. Чунки фақат угина мени бахтли қила олди. Ҳар бир одамага яхшилик қилишни истардим. Дўстларим санокли бўлиб қолди. Оила қуриб пойтахтда қилиб кетган ҳамшаҳарларим ҳам менга галати қарашаётганини, номмагина муомала қилашаётганларини сезиб, улардан ҳам узоклашдим. Лекин борлиқ, юлдузлар, ой, қуёш, мусасффо осмон, ҳаво, сойларда оқаётган сувлар ўзларининг гўзаллигини мендан аямади. Яна мевали ва мевасиз дархатлар олами, осмонда қарч уриб учаётган қушлар, бари гўзаллигича қолдилар ва мен билан бўлган дўстликдан воз кечишни хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Кўп китоблар ўқирдим. Гўё китоблардаги оламга кириб кетардим. Бу ҳолатни китоб ўқиса зерикадиган кишилар тасаввур қилолмайдилар. Бу бечораларнинг барча ишлари зерикари бўлиб, ҳўжақўрсинга иш қиладилар...

Университетни ҳам битириб мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш бошладим. Ишимни севардим. Севиб масаласида эса ҳамон ишим юришмасдим. Энди бу ҳақда ўйламай қўйдим. Ўзимча тақдиримни Оллоҳнинг ҳукмига ҳавола этдим. Ҳўш, нима бўлди дерсиз. Хотиржам бўлдим. Ҳадеб ҳаёл қилаверишдан, эзиллишлардан қутулдим. Фақат иш, изланиш билан банд бўлдим. Коллективим жуда аҳил эди. Бир дам олиш кўни одатдагидек ётоқхонадаги хонамда китоб ўқиб ўтирардим. Хонага эски ошналаримдан бири кириб келди. Чойга таклифимни ҳам рад этиб, бир жойга боришимни зарурлигини айтди. "Дўстинг учун заҳар ич". Тезда кийиниб олдим. Йўлга чиқдик. Қайсиدير маҳаллада трамвайдан тушиб темир йўл бўйлаб анча юрдик. Темир дарвозали ўйинг олдида бир ёш йигитча сигарет чекиб турарди. Уртоғим билан қучоқлашиб кўришди. Мен билан ҳам қўл бериб кўришгач, "қани-қани" деб уйга таклиф қилди. Кираверишда чап томони узун девор, қолган уч томони уйлардан иборат ўртача ҳовлига кирдик. Йигитча бизни ошхона билан бўлди. Аёл газ олдига бориб овқатга унай бошлади. Уй эгаси филология фанлари номзоди, аёли иқтисодчи экан. Уртоғим билан мен ҳам гўё китоб жинилари эдик. Сўхбатлашиб ўтирганимизда эшик қўнғироби жиринглаб қолди. Йигит чиқиб бир қизни бошлаб келди. Уй эгаларининг бу қизни гоятда ҳурмат қилишларини, уни бошқача қувон билан қутиб олганларидан сезиб қолдим. Мен ҳам ўрнимдан туриб бошимни қимирлатиб, саломлашиб ёнимдаги стулга ўтиришини таклиф қилдим. Таклиф қилаётиб ўрта бўй, озгинроқ, айниқса бошига ўраб олган рўмоли ўзига жуда ҳам ярашган қизни кўриб юрагим "шувв" этиб кетди. Юрагим "гуп-гуп" ура бошлади. Бу қиз мен узок вақтлардан бери ишлаб юрган, хаёлимдаги қизнинг айнаи ўзи эди. "Ё қудратингдан" деб юбордим беихтиёр. Ҳа, дўстим, уни умримда биринчи марта кўриб турган бўлсам-да, узок йиллардан бери кўришиб юрган танишимдек ҳис қилдим. Бирдан қалбим қувончларга тўлди. Қувонмай бўладими ахир? Мен худди шу дақиқани кутган эдим-ку. Менга Оллоҳнинг ўзи етказиб берган инъоми эди бу. Гўё мўъжиза рўй берди мен учун. Мени таъбиб этиб юрган тўсиқ ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Сўхбатимиз гоятда кўнгилли ўтди.

Шу пайтгача биз иккалаимиз бир-биримиз учун асралиб яшаб келаётгандек туюлди менга. Аввалги ёлғизлик гами, ташвиши гоёиб бўлди. Чунки менга энг яқин, энг қадрли инсон ёнимда ўтирарди. Ҳа, мен бу учрашуви салкам 20 йил кутдим. Ва, ниҳоят бахтли инсонлар қаторидан ўрин олдим. Худога шукр. Энди бу дунёда менинг ҳам севилим бор..."

Йигит сўзини тугатганида тонг оқариб қолган эди. Ҳамроҳим ухлагани чўзилди. Мен вагон деразасидан ташқарини томоша қила бошладим. Оппоқ тонг. Кеча-си билан ёғиб чиққан ёмғир даярли тинган, булутлар ҳар замонда эриниб бир-икки томчи ташлаб қўярди. Уларни шамол қаёқларгадир ҳайдамоқда. Ҳадемай қуёш ҳам қараклаб ўз жамолини кўрсатса керак...

Хаёлларга берилмаман. Узимнинг ҳам узок давом этган бўйдоқлик даврларимни эслайман. Инсонлар орасига мейр-муҳаббат нурини ташлаган, инсонларнинг ёмон йўлларга, адашадиган йўлларга юришга қарши бўлиш қўзга кўринмас тўсиқ-қучни яратган зотнинг ҳақлигига, у томонидан ёзилмиш-тақдирдан ҳеч ҳам қочиб қутулиб бўлмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Янги танишимнинг деб изхорини кўпчилик, айниқса ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам ҳали турмуш қурмаган йигит-қизларнинг билиб олишларини чин дилдан истардим.

Ҳаётимнинг ҳам севилим бор..."

Ҳаётимнинг ҳам севилим бор..."

Ҳаётимнинг ҳам севилим бор..."

Ҳаётимнинг ҳам севилим бор..."

Ҳаётимнинг ҳам севилим бор..."

КУНЛАРНИНГ БИРИДА...



1 чикдим. Унга- Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

2 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

3 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

4 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

5 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

6 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

7 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

8 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

9 Гапим чўзилиб кетаяпти. Шунинг учун сизларнинг вақтингизни ўғирлашни истамаганимдан янги дўстимнинг мени ўзига яқин олиб, айтиб берган дил изхорини келтириб, қўлдан келганича "қари" йигит-қизларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилсам.

КУЗ ИЛҲОМЛАРИ



СЕНСИЗ ҲАҚИЯТИ
ҚУВОНЧСИЗ ҚУНИМ...

Сенсиз ўтаётир яна бир кузим,
Сенсиз ўтаётир қувончсиз йилми.
Сенсиз ўтапман аслида ўзим,
Қўқсимда сарғайган муҳаббат-гулим.

Сўнги нафасларин олмоқдадир куз,
Вақтнинг панжасида титрайди руҳим.
Хазонларни кийиб кексайган кундуз-
Менинг армонларим, менинг андуҳим.

Сенсиз йилларимга очдим мен аза,
Қишларни кияман, мен кўк киймайман.
Муҳаббат, сендан-да хис борми тоза,
Наҳот янгирмайман, наҳот куймайман.

Суйдим ёруғ жаҳонимни,
Қолдим маломат остида.
Бу кун жоним титрайди,
Бераҳм ғам дастида.

Узун-узун йўлларингда,
Савол-сўроқ бўлдим, ман.
Кўнглимнинг кенг чорбоғидан,
Мўралайди кекса ғам.

Дилгинамининг боғига ёр,
Қадам боссанг нетади.
Ташрифингдан, ёрижоним,
Армонларим кетарди.

Ўйламагин, беҳудадир,
Ёрижонинг ўзимман.
Хобгоҳингда тўлғонсанг гар,
Жонгинангга тўзим ман.

Суйдим ёруғ жаҳонимни,
Қолдим маломат остида.
Бу кун жоним титрайди,
Бераҳм ғам дастида.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

ГЎЗАЛЛИККА ЯРАШГУВЧИ БЕЗАКЛАР...

Ўзбекистон Бадий Академия-сининг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Фасихитдин Дадамўхамедов тахририятимиз меҳмони.

- Фасихитдин айтинг-чи, нима учун ўзимизнинг миллий заргарлик санъати намуналарига нисбатан одамларнинг кўпроқ Оврупа усулидаги қимматбаҳо зеб-зийнатларга қизиқиши каттарок. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

- Афсуски собиқ Иттифок даврида миллий санъатимиз ривож ҳар томонлама заифлашиб қолган. Олдинги мисол, баъзи бир кишилар: "Бешик болаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади", - деган нотўғри тушунчалари туйфули бешиқлар четга суриб қўйилган. Мана, мустақиллигимиз туйфули қадимий анъаналаримиз ўзимизга қайтди. Бир-биридан чиройли бешиқларимизда яна жажжи фарзандларимиз катта бўлапти. Заргарлик соҳасида ҳам худди шундай тўхталиш, заифлашиш бўлган эди. Ҳозирги кунда эса яна бу касбга бўлган қизиқиш ўсаяпти, усталаримиз янги-янги санъат даражасидаги намуналар яратаяптилар.

- Ўзингиз яратаётган янги тақинчоқлар хусусида қандай фикрдасиз?

- Ҳар бир ижодкорнинг ўз талланган йўли бўлади. Кимдир қадимий усулда иш олиб борса, кимдир замонавий усулда ишлашни хоҳлайди. Мен қадимий зирак ёки узукларга янгилик дид, руҳ бағишлаган ҳолда тўпламлар тайёрлайман. Тўпламларим кўкракка тақиландиган тумор, зирак, узук ва билгазукдан иборат.



Масалан, ойнача зирак. Қадимдан бу зийнат бизгача фақат зирак сифатида етиб келган. Мен шу асосда тумор, узук ва билгазук қўшиб тайёрлайман, ҳамда уларни тўпламга айланттирдим. Номларини ҳам асосан асл номларини сақлаган, уларни тўлдирган ҳолда янги ном билан атаман. Масалан, уч кўзача, бу зийнат учта бир хил кўзачани бир-бирига жипслаштиришдан ҳосил бўлган. "Панжара тумор" панжарасимон нусхада ясалганлиги учун шу ном билан аталган.


"Ёрибедор" тўпламимда кўкрак тумор ва зиракка ишланган безаклар ўзидан нафис, киши қалбида заъв ўйғотадиган мусиқадек жиринглаб овоз чиқаради.

- Тақинчоқларни тайёрлашда қандай материаллардан фойдаланасиз?

- Асосан мелхёрдан ва мелхёрга ҳар хил тошларни безак қилишдан фойдаланаман. Марварид, маржон, феруза, ҳақиқ ва ҳоказолардан. Шунингдек, ушбу буюмларни ясашдан мақсадим аввало ўзимизнинг ўзбекона нафис, бежирим ва гўзал тақинчоқларни ҳақиқий санъат даражасига кўтариш. Қолаверса, табиатан нозик ва гўзал бўлган аёлларимиз янада гўзал бўлишларини, ушбу тақинчоқларни миллий санъатимиз тимсоли сифатида севиб тақиб юришларини истаيمان. Мен ясаган тақинчоқларни тақиб юрган аёлларни учратсам меҳнатим кимгадир ёққанлигини завқланаман.

- Агар сир бўлмаса, сизни шу кунларда қийнаётган муаммолар хусусида ҳам гапириб ўтсангиз?

- Тўғриси айтсам, бир нарса дилимни огритади. У ҳам бўлса, кейинги пайтда кўпчилик кишилар тақинчоқларни, зебу-зийнатни фақат бойлик тимсоли сифатидагина тақадди, яъни баъзи аёллар кумуш ёки олтиндан дидсизлик билан бўлсада ясалган, узук-зиракни ўзларига ярашганим йўқми тақиб юраверадди. Мен аёлларимизни бежирим, гўзал қилиб ясалган, ўзларига ярашиб турадиган тақинчоқларни тақушларини истардим. Чунки бу буюмлар ҳар хил тошлардан ва турли метал-



лардан ясалса-да, бизнинг санъатимиз рамзи бўлиб қолаверадди.

- Менимча, чинакам ижодкор ҳар қандай мушук шароитда ҳам изланишдан толмайди. Келгусидаги режаларингиз ҳақида ўртоқлашсангиз?

- Кўнглимда ҳали яхши ниётларим жуда кўп, миллий зеб-зийнатларни ҳақиқий санъат даражасида яшаши режалаштирганман. Албатта уларни амалга ошириш устида жуда кўп ишлашим керак. Ҳозирда усталаримиз томонидан қимматбаҳо металллар ва тошлар билан ишлаш йўлга қўйилмапти. Чунки, жаҳон санъати даражасидаги асарлар яратиш учун кўпчилик қимматбаҳо материаллардан фойдаланилади. Мен ҳам ўз зебу-зийнатларимни жаҳон санъати даражасига етказиш ниётидаман. Кейин ҳар бир устаси каби ўзимнинг шоғирларимни яхши усталар бўлиб етиштишларини истаيمان.

- Сиз ясаган тақинчоқлар эгаси бўлиши аёлларимизга тилакларингиз?

- Гўзаллик бешигини тебратувчи аёлларимизга соғлиқ-саломатлик, хонадонларига осойишталик тилайман. - Аёлларимиз номидан сизга катта раҳмат. Барча орзуларингизни амалга оширишига тилакдошмиз.

Лола АҲМЕДОВА
суҳбатлашди

ШУНДАЙ ТАДБИРКОРЛАР БОРКИ...

Қашқадарё вилоятидаги Усмон Юсупов тумани ҳокими Ёркул Турсунов билан суҳбатимиз тадбиркорлар, уларнинг қилаётган хайрли ишлари ҳақида бўлди.

- Туманингизда тадбиркорлар, айниқса хайрли ишлар қилаётган тадбиркорлар борми?

- Шундай тадбиркорларимиз борки, кичиккина жамоаси билан бозоргир, зарур маҳсулот турларини ишлаб чиқаришиб, манфаат қўриш билан бирга кам таъминланган оилаларнинг гамига шерик бўладилар. Уларга ўз имкониятларига қараб ёрдам берадилар.

Туманимизда саноат корхоналари бўлмаса-да, ҳўжалиқларимиз бақувват, дейди ҳоким. - Кичик корхоналар, фермерларимиз оғиримизни энгил қилаяптилар. Нурали Шомирзаевдек тадбиркорларимиз ҳатто мактаб ўқувчилари

рига ойма-ой нафақа бераяптилар...

Шу суҳбатимиздан кейин кўп ўтмай туман маҳалла хайрия жамғармаси ҳамда болалар жамғармаси раиси Жаббор Ёмиров ҳамроҳлигида Нурали Шомирзаев раҳбарлик қилаётган корхонага бордик. Йўлда етилиб турган бугдой дала-ларини кўрсатиб, "Бу ғалла майдонлари Нурали бойники", - деди Жаббор ака. - "Ўтган йили қирқ центнер ўрнига гектарига олтимиш центнердан хирмон кўтарди. Давлатга топширганидан қолганини ишчиларига тарқатди", - деб тусунтирдик.

Бугдойзордан ўтиб атрофи мевали дарахтлар, анвойй гулларга ўралган оппоқ бино ёнида тўхтадик. Шу вақтда ёнимизга келиб тўхтаган "Москвич" дан бир киши тушди. У чайир, қуёшда қорайган, қўллари дала ишларидан қадоқ бўлиб кетганди.

У кулимсираб биз томонга келаётганида Жаббор ака: "Нуралибой шу киши бўлади", - дея таништирди. Нурали ака биз билан сўрашаркан: "Мана шу бизнинг ишхонамиз-да, - деди камтарлик билан. - Хўв анави биноларга бўрдоқи молларимизни жойлаштирганмиз. Қаршингиздаги бинода эса ҳайдаш агрегатларимиз, тракторларимиз, ўрим комбайнлари шай ҳолда сақланмоқда. Дам олиш хоналаримиз ҳам шу ерда".

- Нуралибой, айтишларича сиз даромадингизнинг кўпини хайрли ишларга сарфларимиз...

- Йўғе, унчалик эмас... - деди, - қўлимиздан келганча-да. Ҳали мактайдиган бирор иш қилмадим.

Нуралибой ун бир ёшида отасидан етим қолган экан. Онаси етти нафар етимини мактабда фаррошлик қилиб боқиб вояга етказибди. Ўғлини олий

маълумотли бўлишига ёрдам берибди. Етимликнинг аянчли қисмати, уни одамларнинг қадрига етишга, хайру саховатли бўлишга ўргатди. Ҳозир давлатдан олган 52 миллион сўм қарзидан қутулиб, қолган маҳсулоти ҳисобидан даромад олаётган экан. Болалар жамғармасига, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига пул ўтказибди. Ҳомийлигидаги мактабнинг еттита аълочи ўқувчиларига нафақа тўлашни ҳам зиммасига олибди.

Суҳбатимиз сўнггида Нуралибойдан оиласи ҳақида сўрадик.

Турмуш ўртоғим Гулжамолой билан етти нафар фарзандни тарбияляпмиз. Етмиш ёшли онам бор. У киши бизнинг, қолаверса юртимизнинг тинч бўлиши учун дуо қиладилар. Элу юртимизнинг тинчлиги йўлида меҳнат қилишга, меҳнатнинг роҳатини кўришга не етсин? Мен катта бойликни эмас, тинчликни, фарзандларимнинг қомил инсонлар бўлиб вояга етишини истаيمان.

Исқоқ САТТОРОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33625 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.